

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Олий таълимда тарих фанларини
ўқитиш методикаси**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАРИХ
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: А.Р.Рахматуллаева - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.н.

Такризчилар: М.А.Ганиева – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири п.ф.н.
З.А.Илҳомов - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.н.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат педагогика университети кенгашининг 2019 йил «30» августдаги 1/3.5-сонли қарори билан маъқулланган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	34
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	121
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	132
VI. ГЛОССАРИЙ	136
VII. ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	141

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021 - йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш ҳамда улар асосида педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Тарих ўқитиш методикаси – бўлажак ўқитувчиларни касбий компетенциясини шакллантириш, таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий метод ва усуллари, шакл ва воситалари, таълим жараёнини ташкил этишнинг методик асослари билан қуроллантириб, тарих таълими самарадорлигини оширишга, сифатли ўқитишга хизмат қилади. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби тарихчи педагогларнинг методик билимларга эга бўлишлари учун ва касбий фаолиятни ташкил этишда улардан фойдаланишга компетенциявий ёндашувни шакллантириши талаб этилади. Тарих ўқитиш методикасидан эгалланган билимларни ўқув жараёнида муваффақиятли фойдаланиши, бунда тарихчи педагогнинг ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, тарих ўқитиш методикаси ўқитувчиларни таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий метод ва усуллари, шакл ва воситаларини, таълим жараёнини ташкил этишнинг методик асослари билан қуроллантириб, тарих таълими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тарихчи педагогларнинг методик билимларга эга бўлиши учун ва касбий фаолиятни ташкил этишда улардан компетенциявий ёндашувни шакллантириши талаб этилади. Тарих ўқитиш методикасидан эгалланган билимларни ўқув жараёнида муваффақиятли фойдаланиш, бунда эса тарихчи педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда методик фаолиятни ташкил этиш, методик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби тарихчи педагогларнинг методик билимларга эга бўлишлари учун ва касбий фаолиятни ташкил этишда улардан фойдаланишга компетенциявий ёндашувни шакллантириши талаб этилади. Тарих ўқитиш методикасидан эгалланган билимларни ўқув жараёнида муваффақиятли фойдаланиш, бунда эса тарихчи педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда методик фаолиятни ташкил этиш, методик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини тарих ўқитиш методикасининг илмий асослари, тарихчи педагогларда тарих фанини ўқитишнинг метод, восита ва технологиялари билан таништириш орқали уларда ўқув машғулотлари жараёнини, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятларини самарали ташкил этиш малакаларини ривожлантиришдир. Яъни олий таълим тизимида тарих ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий метод ва усуллари, шакл ва воситаларини, таълим - тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнинг самарадорлигини ошириш, замон талаблари, инновацион педагогик технологиялар асосида тарих фанини ўқитишга бўлган муносабатларни шакллантиришдан, педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юқори илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, касбий

компетентлиги ва педагогик маҳоратининг узлуксиз ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модулининг вазифалари:

- тингловчиларни тарих фанларини ўқитиш методикасининг илмий асослари, тарихчи педагогларни тарих таълими методи, шакллари, воситалари ва технологиялари билан таништириш;

- тингловчиларда ўқув дастурларини яратиш; назарий ва амалий машғулотлар учун тарих фанини ўқитиш бўйича дидактик материалларни тўплаш ва уларни саралаш; назарий ва методик маълумотларини самарали излаш; назарий ва амалий машғулотлар учун тарих фанидан дидактик ишланмалар тайёрлаш; назарий ва амалий машғулотлар учун тарих фанидан ўқув топшириқлари турларини белгилаш; ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш; ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш;

тингловчиларнинг мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тарих таълимидан назарий ва амалий қийматга эга ўқув материални тайёрлай олиш, методик билим асосида ўқув машғулотларини муваффақиятли ташкил этиш борасидаги кўникмаларининг малакага айланишини таъминлашдан иборат.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ:**

- “метод”, “методика” ва “усул” тушунчаларининг моҳияти;
- тарих ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети;

- тарих ўқитиш методлари, усуллари, воситалари, шакллари;

- тарих ўқитиш методикасининг илмий тадқиқот методлари;

- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат турлари;

- тарих фанидан мустақил таълимни ташкил этиш шакллари тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши;**

- ўқув дастурларини яратиш; назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралаш; тарих таълими учун маълумотларни самарали излаш; назарий ва амалий машғулотлар учун

дидактик ишланмалар тайёрлаш; назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув топшириқлари турларини белгилаш; тарих фанидан ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш; ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш;

- тарих таълимидан илмий ва амалий қийматга эга ўқув материални тайёрлай олиш;

- маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши (ўқув ахборотининг график (схема, жадвал, диаграмма, тасвир ва б.) кўринишда бўлишига эришиш **кўникмаларини эгаллаши**;

- маъруза ва амалий машғулотлар, шунингдек, рейтинг назорати учун кейслар ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш;

- тарих бўйича тўғараклар, конференция ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш **малакаларини эгаллаши**;

- методик билим асосида ўқув машғулотларини муваффақиятли ташкил этиш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали йўлга қўйишда **касбий сифатларини эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модулини ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, кичик гуруҳларда ишлаш, интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Тарих фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”, “Фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар”, “Олий таълим дидактикаси” ва “Педагогик квалиметрия” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулни олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тарих таълимини самарали, муваффақиятли ташкил этишда методик билимлардан ва замонавий таълим

имкониятларидан тўлақонли фойдалана олишга оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиради.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Тарих ўқитишнинг методлари ва классификацияси. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш	6	6	2	4	
2.	ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарсларига қўйиладиган талаблар.	4	4	2	2	
3.	Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни лойиҳалаштириш. Мустақил таълимни ташкил этиш	6	6	2	4	
	Жами:	16	16	6	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Тарих ўқитишнинг методлари ва классификацияси. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш.

Таълим методлари ва усуллари. Тарих дарсларида қўлланиладиган методларининг уйғунлиги. Тарих ўқитиш методлари классификацияси: оғзаки баён: ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, сюжет таҳлили, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий адабиётлар, тарихий ҳужжатлар. Кўрсатмали методлар: шартли-график иллюстрациятив кўрсатмалилик, сурат таҳлили, тарихий хариталар билан ишлаш. Амалий метод: машқ бажариш, ўқув топшириқларини ишлаш, контур харитани тўлдириш.

Тарих таълимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари. Тарих фанини ўқитишда АКТни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари. Мавзулар бўйича электрон дарсликнинг ўқув услубий таъминотини тайёрлаш. Компьютерда амалий дастурлар ёрдамида тайёрланган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Фанга оид электрон ўқув адабиётлари,

ўргатувчи тизимлар (дастурлар), мультимедиа иловалари ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш.

2-мавзу: ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарсларига қўйиладиган талаблар.

ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари. Маъруза турларининг ўзига хос хусусиятлари. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари. Маъруза ва семинар дарсларини ташкил этишнинг дидактик асослари.

3-мавзу: Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллари лойиҳалаштириш. Мустақил таълимни ташкил этиш.

Методика, педагогик технология, интерфаол усул тушунчалари. Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари. Тарих фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти.

Кейс технологиясининг мазмун моҳияти. Кейсларнинг турлари. Тарих фанига оид кейсларни ишлаб чиқиш.

Мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва турлари. Тарих таълимида мустақил ишларнинг мазмуни. Мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Тарих ўқитишнинг методлари ва классификацияси. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш.

Тарих дарсларида замонавий воситалар, жумладан, ёрдамчи воситалар (жадвал, чизма, диаграмма), техник воситалар (флип-чарт, компьютер, электрон доска), ўқув-услубий воситалар (дарслик, хрестоматия ва бошқа ўқув қўлланмалар ёрдамида йўриқнома, ўқув топшириқлари ёзилган тарқатмалар) ёрдамида интерфаол машғулотларни ўтказиш. Чизмали органайзерлар ёрдамида ўқувчиларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш. Тарих фанидан иш дафтарлари.

2-Амалий машғулот:

ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарсларига қўйиладиган талаблар

ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари. Маъруза ҳақида ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари. Семинар машғулотларида таълим бериш технологиясини лойиҳалаш ва режалаштириш. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт.

3-Амалий машғулот:

Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни лойиҳалаштириш. Мустақил таълимни ташкил этиш.

Гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш фаолиятини ташкил этиш технологиясининг мазмун моҳияти.

Лойиҳа технологияси ҳақида тушунча. Лойиҳавий таълимдан фойдаланишнинг ижтимоий-педагогик шартлари.

Тарих дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим усуллар: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол дарслар. Ўзбекистон ва жаҳон тарихи дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича ўқув топшириқларини тайёрлаш.

Модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишни қуйидаги шакллардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини чуқурроқ ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

1. Тарих ўқитиш методикасидан янги адабиётлар билан танишиш ва обзорини тайёрлаш.

2. Тарих фанлари бўйича ДТСни таҳлил қилиш.

3. Илғор таълим методлари, технологиялар асосида ўқув топшириқлар ва тақдимот слайдларини тайёрлаш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.




**“Кичик гуруҳларда ишлаш”
методи**

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсадаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсада фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бири-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча дикқат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг

ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

Давра столи тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
 2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
 3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
 4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
 5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
 6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
 7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
 8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.
- Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси



Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



"ФСМУ" методи

“ФСМУ”–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топшириқ: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш,

химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони апрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

Тарих фанидан Давлат таълим стандарти			
Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:			



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш

йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади¹.



Намуна: Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари	
W	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташки)	

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий дарсда ўқитувчи, ўқувчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар ўқувчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи кизикувчи гаплашади, яъни дарсда оз сонли ўқувчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли ўқувчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа	Замонавий дарсда муҳокама

¹ Stuart Gray. Information Technology in a Global Society for the IB Diploma: Black and White Edition. CreateSpace Independent Publishing Platform. United Kingdom, 2011. 316-p.

асосида ва тайёрлаб келган жараёнида янги-янги масалалар, маълумотлари атрофида муаммолар юзага чиқиши, ғоялар гаплашилади туғилиши мумкин

Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – Кенг муҳокама учун вақтнинг дастурдан чиқиб кета олмаслик, чегараланганлиги, ўқувчиларни

Т ўқувчи учун қизиқмаса ҳам мавзудан четга буришга ўқитувчини эшитиб ўтириш интилишлари мажбурияти



"Инсерт" методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки такдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки такдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда ўқувчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

моддий маданият	маънавий маданият




“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо

беришга қаратилган органиайзер ҳисобланади. Метод ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда ўқувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш куйидаги тартибда кечади:



Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

Намуна:

Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			

“Баҳс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			



"Тушунчалар" методи

Методнинг мақсади: мазкур метод ўқувчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тарихий манба		
Тарихий адабиёт		
Тарихий ҳужжат		
Тарихий харита		
Тарихий сурат		
Тарихий фонограмма		
Тарихий хат		
Тарихий макон		


Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар кўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



"Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+” ақс холда учинчи устунда “-” белгисини қўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзунини баён қилади ва ўқувчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни яқка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач ўқувчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Ўқувчи: - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: Ўқувчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
+ (ха, ижобий) афзаллиги (ютуғи)	- (йўқ, салбий) камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

Афзалликлари	Камчиликлари
“Қайтар алоқа”нинг мотивациянинг юқори даражада бўлиши	кўп вақт талаб этилиши ўқувчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги
ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	объектив баҳолашнинг кийинлиги ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши
мустақил фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
ХУЛОСА	

Т-схема кўринишида вазифа

Ҳа	Фикр-мулоҳазалар	Йўқ
	Ўзбекистонда "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди.	
	1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди.	
	Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.	
	XX асрининг энг йирик экологик - "Орол фожеаси" вужудга келди.	
	Ўзбекистон мамлакати пахта хом-ашё базасига айлантирилди.	
	Ўзбекистон "Оқ-олтин"дан катта манфат кўрарди.	



“Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.


Саналар – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

Тарихий воқеалар – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византиянинг заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб халифалиги ҳужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастирларга кўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

Йил, сана Содир бўлган воқелик

“Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.



Стратегия ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



“Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгаллиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга

эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар ўқувчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, ўқувчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган ўқувчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини кўшишга олиб келади;

- болалар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

- ўқувчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган ўқувчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топширик;
- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.²

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

- Ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
- Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
- Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.
- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

² Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами.
- Т.: Иқтисодиёт, 2013.

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳ лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади;ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш,вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш, якка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга,

кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Яқун яшаш – натижалар текширувини ўтказиши: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Тарих ўқитишнинг методлари ва классификацияси. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш.

Режа:

1. Тарих ўқитиш методлари ва усуллари
2. Тарих ўқитиш методлари классификацияси
3. Тарих таълими воситалари классификацияси
4. Замонавий таълим воситалари. Чизмали органайзерлар
5. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари. Электрон дарслик.

Таянч тушунчалар: ўқитиш методлари, усул, оғзаки баён методи, кўрсатмали метод, амалий метод, маъруза, суҳбат, ҳикоя, ўқитиш методлари, усул, оғзаки баён методи, кўрсатмали метод, амалий метод, маъруза, суҳбат, ҳикоя, замонавий таълим воситалари. Чизмали органайзерлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон дарслик

1. Тарих ўқитиш методлари ва усуллари

Метод юнонча “metodos” сўздан олинган бўлиб, изланиш, билиш йўли, назария, таълимот, бирор нарсага йўл маъносини англатади. Аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўлларининг йиғиндисидир. Шунингдек, мақсадга эришишнинг аниқ, қисқа ва мақбул йўли ҳисобланади. Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш методи эса таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари ёки таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради.

Усул – методнинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланиладиган ва алоҳида қадам ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар.

Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бшқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Таълим методлари ўқув тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, уларсиз таълим мақсади, вазифаларини амалга ошириш, ўқув материаллари мазмунини ўзлаштириш мумкин эмас. Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Таълим методи - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълумот мазмунига йўналтирилган фаолиятни тартибга солиш йўлидир.³

Айрим адабиётларда педагоглар томонидан “метод” билан “усул” тушунчаларини чалқаш ишлатиш ҳолатлари мавжуд. Ўқитиш методларини муваффақиятли амалга ошириш албатта унинг усулларининг маҳорат билан қўлланилишига боғлиқ. Аксарият педагоглар “метод” тушунчасини “усул” деб таржима қилиб ўзларини ва тадқиқотчиларни ҳам чалғитадилар. Бизнингча метод тушунчасини таржима қилиш керак эмас. (О.Р.) Таълимда методлар тизимидан кенг фойдаланилган тақдирдагина таълим-тарбия ишлари соҳасида натижарга эришиш мумкин. Г.Фузаилованинг “Тарих ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмасида анъанавий методлар умумлаштирилиб тўртга ажратилиб методлар ва уларнинг усуллари аниқ кўрсатилган⁴.

Таълим методлари тизими деб, энг муҳим умумий белгилари билан ўзаро боғланган, бир-бирига таъсир кўрсатадиган методлар гуруҳига айтилади. Бу методларнинг умумий муҳим белгилари - ўқитиш ва ўрганиш усуллари ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятидан иборатдир.

Ўқитиш методлари усуллари ва ўқувчилар тафаккур фаолиятининг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқа ва уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири асосида бир тизимдаги методларнинг ўзаро боғлиқлиги юзага келади. Таълим тизими тажрибасида кўрсатмали ўқитиш деярли ҳеч қачон ўқитувчининг

³ Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика. – Тошкент: Талқин, 2008. – Б. 81-87.

⁴ Сағдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 48-61.

баёнисиз қўлланилмайди, ўқитувчининг баёни ҳам доим кўрсатмали воситаларга суянади. Ўқувчиларнинг техника воситалари, матнлар ва бошқалар устидаги амалий фаолияти таълимнинг кўрсатмали ва оғзаки усуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

2. Тарих ўқитиш методлари классификацияси

Ўқитиш методлари ва усуллари орқали ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти ташкил этилади.

Ўқитиш методлари - ўқитувчининг фаол фикрлаши асосида ўқувчиларни ўқитишга, ўқувчиларнинг илмий билимларни ўзлаштириши ва амалда қўллай билишларига, дунёқараш ва эътиқод ҳосил қилишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий қобилиятлари ўсишига ёрдам беришни таъминловчи усулларидан иборатдир.

Методларни қуйидаги икки катта йўналишга таснифланади:

1) *Билиш (англаш) манбаига кўра*: оғзаки, босма матнлар билан ишлаш, кўрсатмали, амалий методлар;

2) *Билиш (англаш) фаолиятининг босқичларига кўра*: иллюстратив тушунтириш, репродуктив (тайёр билим бериш), муаммоли, қисман изланиш, илмий-тадқиқотчилик.

Тарих ўқитиш методлари классификацияси ҳақида педагоглар турли фикрларни билдирганлар. Бир-бири билан боғланган ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) *оғзаки ўқитиш методи*, (ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, таҳлил қилиб тушунтириш, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий адабиётлар, тарихий ҳужжатларни изоҳлаш) *Оғзаки баён методи* – ўқитувчининг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар тинглайдилар.

Ҳикоя. Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

Маъруза жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўрсатмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради. Кўриниб турибдики, бошқа методлар, хусусан кўрсатмали ва амалий методлар ҳам жалб этилмоқда. Ўқув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хулоса чиқаришни таклиф этиш ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг самарасини оширади.

Суҳбат. Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб

кайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Сухбат эвристик ҳам бўлади. Яъни, бунда ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган усул бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари ўқувчиларнинг жавоблари шаклида амалга оширилади. Эвристик сухбат узоқ тарихга эга бўлиб, ундан қадимги Юнонистонда Сукрот моҳирона фойдаланган. У ҳозирги илмий-дидактик тадқиқотларда “изланиш сухбати” деб ҳам юритилади. Эвристик сухбатнинг қатор ижобий томонлари бўлиб, ижодий йўл билан ўқув материални ўрганиш, ўзлаштиришнинг индивидуал характер касб этиши.

2) кўрсатмали таълим методи (жадваллар, шартли-график иллюстрациятив кўргазмалилик, сурат таҳлили, расм, тарихий хариталар билан ишлаш);

Кўрсатмали метод. “Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши”, - деган нақлга амал қилган ҳолда фақат оғзаки баён методли дарсда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Айниқса тарих фанида анъанавий дидактик материаллардан ташқари замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда намоишли (компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари) кўрсатмалик бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Кўрсатмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўрсатмали методлар эшитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ундан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш тарих таълимининг самарадорлигини оширади.

Кўрсатмали методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Иллюстрация методи – (матндан бошқа барча компонентлар) хариталар, расмлар, чизмалар, жадваллар, схемалар, диаграммалар, доскадаги ёзувларга диққатни тортиш.

Намоиши (демонстрация) методи – киноаппарат, АКТ ва бошқа видеотасвирлардан фойдаланиб турли тасвирларни намоиш қилиш.

Табиий кўрсатмали қуроллар – нарсаларнинг ўзи, предметлар, муляжлар, одамлар томонидан тайёрланган иш қуроллари, макет, муляж ва бошқаларни кўрсатиш.

Кўрсатмалилик деганда, аввало ўқитиш ва тарихий билимларнинг ўрганишнинг кўрсатмали усули, ўқитувчи баёнининг манбаи ва уни кўрсатмали бўлиши, унинг ўқувчилардаги аниқ, тайёр образларга суяна билиши, ўқув воситаси материални баён қилиш вақтида кўрсатмали қуроллардан фойдаланиш ва кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларнинг билиш

фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактларни, воқеа ва ҳодисаларни айнан ўзини ёки уларнинг тасвирларини кўриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади.

Тарихий ҳужжатлар ва бадиий адабиётлардан фойдаланиш ўқитувчи баёнини образли қилиб аниқлаштиради, кўрсатмали қуроллар воситасида ўқувчиларда ўтмиш тўғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур ҳосил бўлади, ўқувчиларнинг эшитиш фаолиятига кўриш ва сезиш органларининг фаолияти ҳам кўшилади. Шу билан уларнинг билими янада чуқурлашади, мустаҳкамланади.

Тарих ўқитишнинг кўрсатмали бўлишининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Аввало кўрсатмали қурол ўқувчиларнинг билим олишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг баёни ҳар қанча тўлиқ бўлганда ҳам ўқувчиларнинг воқеалар тўғрисидаги тасаввурлари тўла бўлмайди. Шунингдек, безаклардан фойдаланмай туриб, ўрганилаётган даврнинг манзарасини ҳам тўла, аниқ ва чуқур тасаввур қилиб бўлмайди.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниқлик киритиш ва бу тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Кўрсатмали тасвирлар тарихий факт ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишинигина эмас, балки уларнинг ички моҳиятини ҳам очиқ беради. Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг мураккаб тарихий ҳодисаларни, тарихий тушунчаларнинг маъносини осонроқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалаш ва умумлаштиришга, яқунларини, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларини, ўзаро алоқаларни яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шу тариқа, кўрсатмалиликнинг аҳамияти тарихий фактларни, ҳодисаларни кўриш органлари иштирокида мушоҳада этиш ва улар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан чегараланмайди, мураккаб тарихий ҳодисаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаштиради, тарихни ҳаққоний тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, кўрсатмалилик методи:

- 1) тарихий билимларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади;
- 2) ўқув материалининг таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради;
- 3) ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради;

- 4) ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- 5) ўқитувчининг баёнини ва унинг дарсда қўлланган бошқа ўқув усулларини ўқувчиларнинг тушуниб олишини енгиллаштиради;
- 6) ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва ижодий қобилиятини ўстиради;
- 7) ўқувчилар билимининг аниқ, чуқур ва мустахкам бўлишига ёрдам беради.

Харита ва уларнинг турлари

Тарихий харита билан ишлаш географик муҳитга характеристика беришнинг асосий методини ташкил этади. Тарихий хариталарда мавзу ва воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг мазмуни, давлатнинг чегаралари ва бошқалар берилди. Тарихий карталарнинг бир неча турлари бор: *тарихий иқтисодий, тарихий этнографик, археологик, тарихий-сиёсий, ҳарбий-тарихий, тарихий-маданий.*

Ўқув тарихий карталари эса таълимда фойдаланилади. Хариталар ҳеч қачон эскирмайди. Эскирганлари ҳам ўз қадрини йўқотмайди. Аммо ўша давр тарихига археологик изланишлар ёки бошқа ёзма манбаларнинг топилиши билан янги ўзгаришлар киритилиши мумкин бўлсада, барибир ўтган давр тарихшунослиги ҳақида ҳам маълумот бериш вазифасини ўтайди. Уларга қараб танқидий фикрни ривожлантириш ҳам мумкин.

Хариталар орқали халқларнинг тарихий ривожланишига географик муҳитнинг таъсирини кўрсатиш учун катта имконият бор. Харита ёрдамида бирор мамлакатнинг тарихий тараққиётида босиб ўтган турли босқичлардаги аҳволини аниқ тасвирлаб бериш, биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳақида аниқ тасаввур яратишга, иккинчидан, инсон аждодлари меҳнатининг бунёдкорлик кучини пухта тушуниб, англаб олишларига ёрдам беради. Бинобарин, харита билан ишлаш жуда катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Харитадан фойдаланиб тарихий воқеа содир бўлган жойни кўрсатиш, географик муҳитнинг роли ҳақида тасаввур яратиш учунгина эмас, балки тарихий воқеаларнинг моҳиятини, уларнинг қонуниятларини, ўзаро алоқалари ва сабаб-натижаларни очиб беришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Харитадан тарихий воқеани тушунтириб беришдагина эмас, балки уни таҳлил қилишда ва умумлаштиришда ҳам фойдаланилади.

Харита ёрдамида тарихий воқеаларнинг сабаб-алоқалари очиб берилди. Масалан, Амир Темур давлати ва салтанатининг кенгайиши ва юксалиши сиёсий – маъмурий ҳолати очиб берилди. Харита дарснинг

бошида ўрганилган материални таҳлил қилиш, умумлаштириш, тарихий тараққиёт ривожланишининг қонуниятларини очиб беришга ёрдам кўрсатади.

Тарихий харита ўқув материални мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчи воқеа бўлиб ўтган жойини деворга осилган харитадан кўрсатган вақтда ўша жойни ўз харитаси ёки атласидан излаб топиши, ўқитувчи раҳбарлигида хаританинг таҳлил қилиниши, хариталар устида мустақил ишлаш, саволларга харитадан фойдаланиб жавоб бериши ўқув материалининг пухта ўзлаштирилишига ва узоқ вақт эсда сақланишига ёрдам беради.

Тарих ўқитиш тажрибасида тарихий хариталарнинг уч туридан фойдаланилади:

1. **Умумий хариталар.** Улар бир мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатлардаги тарихий воқеаларни, уларнинг мавқеини, тарихий тараққиётнинг маълум босқичидаги аҳволни акс эттиради.

2. **Обзор хариталар.** Ўрганиладиган воқеалар ривожланишининг изчиллигини узоқ давр мобайнида ҳудуднинг ўзгарганлигини акс эттиради.

3. **Мавзуга доир хариталар.** Маълум тарихий воқеаларга ёки тарихий жараённинг айрим томонларига бағишланади. Масалан, «Муқанна кўзғолони».

Мавзуга доир хариталарда ижтимоий ҳаётга доир масалалар, чунончи иқтисодий масалага, ҳаракатларга, мустақиллик учун миллий озодлик курашлари ёки ҳарбий ўтмишга доир масалалар тўлароқ ёритилади. Дарслик ва атласлардаги хариталарнинг кўпчилиги тематик хариталардир. Ўқитувчи босма ёки қўлда тайёрланган осма тематик хариталардан ҳам фойдаланади.

Схематик хариталар ёки харита-схемалар ҳам тематик хариталарнинг бир туридир.

Тарих дарсларида мамлакатимизнинг табиий шароити ва иқтисодиётининг ривожланиш тарихи билан чуқурроқ таништириш мақсадида табиий ва иқтисодий географик хариталардан ҳам фойдаланилади.

Бирорта ҳам тарихдан маъруза ва амалий машғулотларни харитасиз тасаввур этиш қийин. Харита тарих дарсининг энг зарурий қўлланмаси бўлиб ҳисобланади. Харита аввало ўрганиладиган мавзуга мос бўлиши лозим. Ўқитувчи воқеалар ривожини давомини баёни жараёнида харитадан кўрсатиб бориши, айтиш вақтда ўқувчилар ўқитувчи кўрсатадиган жойни қўлларидаги харита ёки атласдаги харитадан излаб топишлари лозим.

Ҳар бир янги харита ўргана бошланганда унга қисқача обзор бериш, уни ўрганилган эски харита билан солиштириб, ўқувчиларни янги харитадаги ўзгаришлар билан таништириш, уларнинг тарихий тараққиётнинг изчиллиги ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини англаб олишларига

ёрдам беради. Ўқувчилар икки харитани солиштириб мамлакат ҳудуди торайган ёки кенгайганини, шаҳарларнинг ўсганлиги ва бошқа ўзгаришлар юз берганлигини аниқ тушуниб оладилар.

Тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарсинг самарадорлигини оширади. Таълимнинг техника воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кўтаришга, ўқув материални қизиқиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат қилади.

КЎРГАЗМАЛИЛИК МЕТОДИНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ



3) **таълимнинг амалий методи** (контур харита тўлдириш, машқ бажариш, ўқув топшириқларини ёзма тайёрлаш). **Амалий метод.** Таълимнинг амалий методидида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири талабалар олдида қўйиладиган топшириқлар ҳамда уларни қабул қилиш шаклида амал қилади:

Амалий методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Лаборатория* тажрибасида турли ўқув топшириқларни амалда бажариш. Ўқувчилар турли меҳнат қуролларидан қайчи, чизгич, циркуль ва бошқалардан фойдаланиб, чизиш, қирқиш, елимлаш, ўлчаш каби ишларни бажарадилар.

2. *Машқ* – ўрганилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ этиш йўлидир. Машқ воситасида турли малакалар – интеллектуал ва ақлий малакалар таркиб топтиради.

Билиш (англаш) фаолиятининг босқичларига кўра методлар куйидаги турларга ажртилади: (Уларни ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналишларига ҳам киритадилар)

- тушунтириш, намойиш этиш, иллюстратив тушунтириш;
- репродуктив (тайёр билим бериш);
- муаммоли таълим;
- қисман изланиш (эвристик);
- илмий-тадқиқотчилик методлари.

Тушунтириш, намойиш этиш методи - унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишдир. Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки, дарслик ва қўшимча қўлланмалардаги иборалар, кўрсатмали қуроллар ва ҳ.к. ёрдамида амалга оширади. Ўқувчилар берилган билимларни ўзлаштириш учун янги ахборотни тинглайдилар, кўрадилар, ўқийдилар, кузатадилар ва хотирада сақлайдилар.

Репродуктив метод - намунага қараб ўқув материални ўзлаштириш методидир. Ҳар қандай материални баён қилишда ёки бу материални тезроқ тушуниш учун (дарсликларда берилади) тайёр ечиб кўрсатилган методик нуқтаи назардан қулай машқлар берилиши ҳозир одатга айланган. Бундай машқлар ўрганилгандан сўнг бошқа намунага ўхшамаган лекин намунага қараб ечилиши мумкин бўлган машқлар тушунилади. Машқлар (саволлар) намунадаги яъни репродуктив усулдаги ўзлаштиришга мўлжалланган ўқув материали бўлса, буларни намуна билан бир хил турдаги ўқув материали дейилади. Бу метод билан ҳар қандай материални ўрганиш қулай ва материални ўзлаштиришдаги дастлабки қадамлар бўлади. Лекин бу усулда олинган билим ўқувчининг эсида турмайди, яъни олинган билим мустаҳкам бўлмайди. Репродуктив методда билимларни ўзлаштириш даражалари бир хил бўлади.

Репродуктив метод - ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан биргаликда билимларнинг ўзлаштиришнинг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топириқлар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. Ўқитувчи топшириқлар беради, ўқувчилар эса топшириқларни намуна асосида ечадилар.

Муаммоли таълим методлари - ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан кенгроқ маълумот ўрганиши, ўзлаштириши билан бирга ҳаётга ижодий муносабат малакаларини таркиб топтириш керак. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчиларнинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тадқиқодни эслатадиган, ўқувчилар учун "кашфиётлар" билан тугайдиган, яъни мустақил ҳолда хулоса чиқарадиган ва қандайдир амалий вазифани ҳал қиладиган методларга асосланиш зарур. Муаммоли таълим масалалари бўйича жуда кўп педагог олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Масалан, Ю.К. Бабанский, Лернер, Матюшкин, Махмутов ва бошқа олимлар.


Изланишли метод (эвристика) - ўқувчиларни аста секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун аввало тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, уларда аста-секин кўникма ҳосил қилиш зарур. Ушбу методнинг муҳим томони шуки, унда ўқитувчи муаммоли масалани кичик муаммоларга ажратади, ўқувчилар эса ана шу муаммони биргалашиб бажаради.

Илмий тадқиқотчилик методида маърузалар, маълумот ёки ҳисоботлар, рефератлар, мустақил ишлар, курс иши, битирув малакавий ишларни тайёрлашда қўл келади. Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий қўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг қўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти ҳислатларни шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиш ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шарти ҳисобланади.


Илмий тадқиқотчилик методи – ўз навбатида қуйидаги муайян ўқув топшириқларини бажаришда қўлланилади:

1. Ҳужжатлар, тарихий ёзма манбалар билан ишлашда;
2. Сурат, иллюстрациялар билан ишлашда;
3. Атлас, хариталар билан ишлашда;
4. Жадвал, чизма, диаграммалар билан ишлашда;
5. Моддий (археологик) манбалар билан ишлашда.


МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ЕЧИМЛАРИ



Таълим методлари ва усуллари⁵



⁵ Сағдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 52.



Кейинги йилларда, таълим тизими амалиётида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, тарихий тушунчаларни, жумладан ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тушунчаларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган ўқитиш ва ўрганишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

3. Тарих таълими воситалари классификацияси

Дарсда самарадорликни ошириш учун аввалом бор, ўқитувчининг маҳорати ва ижодкорлиги бўлиб, бунда ўқитувчи томонидан дарснинг мақсадига қараб турли воситалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Машғулотларни фаоллаштириш, қизиқарли ва самарали ўтказиш учун тарих таълим воситаларидан кенг фойдаланиш ўзлаштиришнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Таълим воситаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Таълимнинг техник воситалари - ўқув материални кўргазмали намоиш этишга, уни тизимли этказиб беришга ёрдам беради; ўқувчиларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради, ўқув материални кўргазмали намоиш этишга, уни тизимли этказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради. Буларга мисол қилиб, диапроектр, графопроектр, доска блокнот, доска стенд, флипчарт, видеофильмлар, ёзув тахтаси ва ҳоказоларни олишимиз мумкин.

2. Ёрдамчи таълим воситалари – графиклар, чизмалар, намуналар бўлиб, буларга қуйидагиларни мисол қилиб олишимиз мумкин: модель,

муляжлар, график, жадвал, диаграммалар, намуналар, чизмалар, схема ва бошқалар.

3. Ўқув - услубий материаллар - ўқув материаллари яъни, дарслик, хрестоматия ва бошқа ўқув қўлланмалар ёрдамида ўзлаштирилган ўқув материалларини мустақамлаш учун машқлар, йўриқнома, ўқув топшириқлари ёзилган тарқатмалар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар. Мисол учун: иш варақаси, эслатма, назорат варағи ва матнлар. Булар ўқувчиларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Доно халқимизда «минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши» деган нақл бор. Ўқитувчининг фақатгина оғзаки баён методи ёрдамида дарс ташкил этилса ўқув материални ўзлаштириш кўрсаткичи 10% бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бундай шароитда дарс ўтиш самараси паст бўлади. Машғулотларда ўқув материални ҳам кўргазмали шаклда тақдим этиш, шу билан бирга ўқувчиларни амалий иш жараёнини ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Замонавий таълим воситалари. Чизмали органайзерлар

Чизмали (график) органайзерлар техникаси ёрдамида ўқувчиларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш – дарснинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. График органайзерларга - тоифалаш жадвали, БББ, концептуал жадвал, венн диаграммаси, инсерт, кластер, нима учун?, қандай? ва бошқа чизмали топшириқларни машғулотларда бажариш кабилар киради. Бунда ўқувчилар турли жадвал ёки чизма кўринишида бўлган ўқув топшириқларни бажарадилар.

Қуйида келтирилган ўзлаштириш фоизларига эътибор қаратилса, ўқув топшириқларининг нақадар билимни ўзлаштириш жараёнида аҳамияти катта эканлигини биламиз:

- 5%, - оғзаки равишда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади;
- 10 % - машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Агар кўрсатмалар материаллардан фойдаланилса ва қўшимча материал ўқитувчи томонидан ўқиб берилса;
- 20 % - ҳам кўриб, ҳам эшитсак, яъни техник воситалардан фойдаланилса;
- 50 % - баҳс мунозарага киришилса;
- 75 % - мавзу бўйича амалий топшириқлар бажарилса;
- 90 % - муҳокама қилиб бир-бирига ўргатишса.

Ўқув машғулотида педагогик технологиялар, интерфаол усуллар, чизмали органайзерлар ёрдамида ишлаб чиқилган ўқув топшириқларни ўзида мужассам этган ҳолда, ишлаб чиқилган **“ИШ ДАФТАРИ”**ни тайёрлаш ва улардан машғулотида кенг фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, тарих фанидан иш дафтарларини ишлаб чиқиш ва дарс жараёнига татбиқ этиш дарсни натижавийлигини, эффеқтини сезиларли даражада юқорига кўтаради. Бу иш дафтарларидан ўқитувчи билан ҳамкорликда ўқувчи дарснинг ҳар бир босқичида унумли фойдаланади. Масалан:

- **дарснинг ташкилий қисми, яъни рефлексия босқичида** аввал ўтилган мавзунини қисқа такрорлаб бугунги мавзу билан боғлайди. Янги мавзу билан боғлиқ жиҳатлар, терминлар, таянч атама ва тушунчалар, воқеа ва жараёнларнинг ўхшашлигини қиёслайди, эса солишга ёрдам беради;

- **семинар машғулотида билимларнинг назоратини амалга оширишида** ёзма равишда тайёрлаган топшириғи билан дарсда кичик гуруҳларда ўртоқлашадилар, бунда улар индивидуал ҳамда гуруҳларда ҳам баҳоланадилар;

- **дарснинг мустаҳкамлаш босқичида** – бу иш дафтарига талаба (ўқувчи) кўпроқ мурожаат қилади. Бунда турли чизмали органайзерлар, интерфаол усул ва педагогик технологиялар ёрдамида ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларнинг егаллаган янги билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ўқув топшириқлари, йўриқномаларни беради.

- **уйга вазифа босқичида** – ўқувчи уй вазифасини бажаради. Аниқ ўқув топшириқлари ёрдамида турли вазифаларни бажаради. Шундай топшириқларни бериш керакки, ўқувчининг бу вазифаларни бажариши давомида кўп маортаба дарсликка мурожаат этиши ва ниҳоят мавзунинг моҳиятини тушуниб, англаб олиш босқичига эриши керак.

Иш дафтариди методик қисми яъни ўқув топшириқларини тайёрлашда дидактик талабларга амал қилинади. Иш дафтариди фан бўйича таълим ресурсларини яратиш ва улардан билим беришда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш муҳимдир. “Ресурс” ибораси ҳозирги вақтда жуда кенг маънода ишлатилади.

“Таълим ресурси” деганда эса ўқув жараёни давомида билим олишда фойдаланиладиган турли хил кўриниш ва шакллардаги ўқув материаллари манбаси тушунилади. Бошқача айтганда таълим ресурси – ўқув жараёнида фойдаланиладиган ахборотлар манбасидир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таълим ресурсларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Матн, расм, схема ва жадвалларни ўз ичига олган анъанавий нашр материаллари

(дарслик, ўқув қўлланма, маърузалар матни, амалий машғулотлар бўйича қўлланмалар, масалалар тўплами, луғатлар, каталоглар, маълумотномалар, тарқатма материаллар, турли хил услубий қўлланма ва кўрсатмалар, савол ва топшириқлар ва б.).

2. Ўқиш, мустақил таълим олиш ва олинган билимларни текшириш учун топшириқлар: ўқув мазмуни ёритилган ва ўқувчи билан ўзаро мулоқатга йўналтирилган ҳамда маълум педагогик вазифаларни ечиш учун мўлжалланган топшириқлар мажмуи ёки тизимлари.

5. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари. Электрон дарслик



XXI асрда таълим воситалари бўйича катта ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги замон ахборот ва компьютер технологияларининг имкониятлари, глобал интернет тармоғининг пайдо бўлиши ва инсониятнинг кўп қиррали фаолиятига кириб бориши муносабати билан янада кескин ортиб кетди. Глобал интернет тармоғининг кескин ривожланиши имкониятларидан фойдаланиш очик таълим тизимини вужудга келтирмоқда.

Таълимнинг анъанавий моделидаги “ўқитиш воситалари” тушунчасидан инсоният педагогик амалиёт фаолиятида “таълимий муҳит” тушунчасига, кейинроқ эса “таълимий база” ва ниҳоят ахборот - коммуникация

жараёнларининг ривожланиш даврида жорий қилинадиган “ягона ахборот таълими базаси” тушунчасига ўтилмоқда. Ахборот ва коммуникация технологияларининг дунё миқёсида ривожланиши, инсон турмушининг турли жихатларида, жумладан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда таълим жабҳаларида бирбирларига боғлиқликларининг кескин намоён бўлишига олиб келди.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ўз фани бўйича мутахассислигидан ташқари фанни ўқитаётганда ахборот ва коммуникация технологияларининг барча афзалликларидан бемалол фойдалана оладиган, ўқувчи ва талабаларда бу технологияларни амалда ишонч билан фан за техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал маълумотларни нисбатан енгил ва мустақкам шаклланишига қулай шароит яратади.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ахборотлаштириш соҳаси кескин ривожланиб кетди. Бизнинг асримиз, яъни XXI асрни ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб бежиз аташмайди. Ахборотлаштириш нима ва унинг вазибаларига нималар киради, унинг асосий хусусиятлари қандай, деган саволлар ҳозирги замон жамиятидаги ҳар бир фуқарони қизиқтириши табиий. Чунки инсон фаолиятини ахборотсиз тасаввур қилиш қийин.

Ахборот - (*лот. информатио - тушунтириш, баён қилиш*) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирлаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлар.⁶

Таълимда ахборот технологияси — олдинга қўйилган таълимий мақсадларга эришишга имкон берадиган, назарий асосланган таълим жараёнини амалга оширишнинг шакллари, услублари, усуллари ва воситаларининг йиғиндисидир. Бунда у тегишли илмий моделлаштиришга (лойиҳалаштиришга) таянади, бу жараёнда ушбу мақсадлар бир хил маънода берилади ҳамда ўқувчининг шахсий хусусиятлари ва сифатларини уни ривожлантиришнинг муайян босқичида объектив равишда босқичма-босқич ўлчаш ва баҳолаш имконияти сақланади.

⁶ М.А.Раҳматуллоевнинг «Masofaviy ta'limning yetti jihati». - Toshkent, 2009; Ta'limda axborot texnologiyalari. Oliy ta'lim muassasalari uchun / R.Hamdorov, U.Begimkulov, NTayloqov. O'zME davlat ilmiy nashriyoti. - T.: 2010, - 120 b.

Кундалик турмушда турли куринишдаги ахборотлар масалан, матнли, графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга туғри келади. Ҳар бир турдаги ахборот билан ишлаш (йиғиш, сақлаш ва ҳ.к.) учун ҳар хил техник характеристикаларга эга бўлган ахборот қурилмалари керак бўлади.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни компьютерлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Ўқитишни компьютерлаштириш ёки ахборот технологияларидан фойдаланиш дастурига қуйидагиларни киритиш мумкиш:

- таълим тизимининг барча поғоналарида ахборотлаштиришни етакчи бўғинлигини таъминлаш;

- барча соҳалар бўйича билим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш (мониторинг);

- ахборотлаштириш соҳатрида меёрий базаларни яратиш (илмий-методик бирлашмаир ва ҳ.к.);

- техник таъминот — компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари, уларга хизмат кўрсатиш учун керакли материалларни яратиш;

- телекоммуникация тармоқлари;

- таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар ва ҳ. к.).

Ахборот технологиясидан фойдаланиш ва уни бирор-бир соҳага татбиқ этиш ўз ичига қатор вазифаларни олади. Қуйида ахборотлашган фаолият объектлари ҳақида гап юритамиз.

Бундай объектларга сонлар (ўлчаш ва моделлаштириш натижалари), матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик фойдалари, расмлар, чизмалар ва анимациялар, овозли образлар (ёзилган овоз, мусиқа) ва бошқалар киради.

Фойдаланувчининг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш, керакли ахборот объектларини излаш, ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиш олиш, ташкиллаштириш, керакли кўринишда тасвирлаш, ахборот объектларини (матн, суҳбат, расм, ўйин ва бошқа кўринишда) узатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, объектларни режалаштириш ва бошқалар киради.

Ахборот технологияси моделлари муайян амалларни онгли ва режали амалга оширишда ўзлаштирилади. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- компьютер, шунингдек, принтер, модем, микрофон ва овоз эшиттириш қурилмаси, сканер, рақамли видеокамера, мультимедиа проектори, чизиш

планшети, муסיқали клавиатура кабилар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти;

- ускунавий дастурий таъминот;
- виртуал матн конструкторлари, мультипликациялар, муסיқалар, физик моделлар, географик хариталар ва х.к.;
- ахборотлар мажмуи — маълумотномалар, энциклопедиялар, виртуал музейлар ва х.к.;
- техник кўникмалар тренажёрлари (тугмачалар мажмуидан тугмачаларга қарамасдан маълумот киритиш, дастурий воситаларни дастлабки ўзлаштириш ва х. к.).

Тараққий этган хорижий давлатлар ва республикамиздаги етакчи таълим муассасаларида компьютер технологиялари асосида ўқитиш дастурлари таҳлили сифат жиҳатидан янги ўқитиш воситалари бўлиб, улар анъанавий ўқитиш методларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатмоқда. Бундай ёндашишнинг асосий воситаларидан бири сифатида, компьютерда моделлаштириш назариясини кўрсатиш мумкин.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнида аниқ фанларни компьютер асосида тўлиқ ўқитиш, маъруза матнларини таҳрир қилиш, талабалар топширган назорат натижаларининг таҳлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчиталабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элеменглари дурс жараёнида кўршли, эшитиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.

Таълимни ахборотлаштириш

Таълимни ахборотлаштириш - кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбиғига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларини самарали фойдаланиш ва яратиш (қайта ишлаш) амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, ахборотлаштириш масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қилади. Ахборотлаштириш жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Таълимни ахборотлаштириш, биринчи навбатда қуйидагиларни назарда тутлади:

- компьютер техникаси, ахборот ва коммуникация технологияларнинг замонавий воситаларини тизимли ўрганиш, ташкил этиш ва фойдаланишни;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув ва методик таъминлашни;

- ўқитувчилар томонидан зарурий ўқув-методик таъминотни яратиш бўйича ишларни;

- ахборот технологияларини самарали қўлланилишидан вужудга келаётган янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ахборотлаштиришнинг ягона тизими ўз олдига таълимнинг кенг доирадаги ҳамда мутахассисликка доир яратилган дастурини ўзлаштириш орқали мустаҳкам фундаментал билимга эга бўлган ва уларни ўз фаолиятида қўллай оладиган кадрлар тайёрлаш мақсадини қўяди.

Ахборотлаштиришнинг мақсади масофали ўқитиш тамойилларининг самарали тадбиғидан иборат.

Ахборотлаштириш масалалари қуйидагилардан иборат:

- уяли портатив шахсий компьютерлар (УПШК)ларнинг роли ўрнини аниқлаш;
- уларга дидактик талабларнинг қўйилиши;
- УПШК билан ишлашни талабалар ва ўқитувчиларга фойдаланувчи даражасида ўқитиш;
- улардан таълим жараёнида фойдаланишнинг услубий муаммоларини ҳал қилиш;
- масофали ўқитишни таъминлаш учун ахборот муҳитини яратиш;
- фойдаланишни таъминлаш учун инфраструктурани яратиш.

Уяли портатив шахсий компьютерлар ўқув жараёнида қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

- аввалдан танишиш ва мустақил ишлаш учун электрон шаклда бажарилган ўқув-услубий материал ва дарсликлар, хрестоматиялар, китоблар, мақолалар;
- рефератлар, мақолалар, иншолар учун маълумотлар омборини тайёрлаш;
- ўз-ўзини синаш, ўқув дасгурлари билан ишлаш;
- ўқув ишларини режалаштириш, электрон кундалик, машғулотлар жадвали, тельефонлар ва манзиллар (органайзер);
- маълумотлар омбори: қўлланмалар, таржимонлар, ўргатувчи дастурлар;
- ахборот тармоқларида ишлаш.

Таълимни ахборотлаштириш таълим-тарбиянинг педагогик-психологик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни, таълим соҳасида уларни яратиш амалиёти ва методологияси билан таъминлашни назарда тутди.

Бу жараён, биринчидан, илмий-педагогик маълумотлар базасидан фойдаланиш асосида таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштиришни, иккинчидан, замонавий ахборот жамиятида, шахсни ривожлантириш мақсадларида таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари, методлари, мазмунини танлаш ва методологиясини такомиллаштиришни, учинчидан, ўқувчини интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, унда мустақил билим олиш малакасини шакллантиришга юналтирилган ўқитишнинг методик тизимини яратишни ва ниҳоят тўртинчидан, ўқувчрлар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг диагностик методларини, хусусан компьютер тестларини яратишни ва улардан фойдаланишни мақсад қилади.

Таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқитишдаги ташкилий шакл ва методларнинг ўзгаришигагина эмас, балки ундаги янги методларнинг шаклланишига ҳам олиб келади.

Фанлар соҳасининг ахборотлашуви, ўқув фаолиятининг такомиллашуви, замонавий ахборот технологиялари асосида билиш жараёнининг интефациялашуви, фанлар соҳасининг кенгайишига, чуқурлашуви ва уларнинг интефациясига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ўқув материаллари мазмунини танлаш мезонларига ўзгартиришлар киритишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, таълимни ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши, ўқув материалларининг мазмуни ва ҳажмини ўзгаришига, ўқув предметлари (курслари) дастурларини қайта ишлаб чиқишга, алоҳида мавзулар ёки предметларнинг интефаллашуви сабабчи бўлади. Бу эса, ўқув фанларининг мазмуни ва структурасини ўзгаришига, бинобарин, таълимнинг мазмуни ва сфуктурасини ўзгаришига олиб келади.

Бу жараёнга параллел равишда, ўқувчилар билим савияси муаммосига, компьютер технологиялари асосидаги инновацион ёндашувни жорий этиш лозим бўлади.

Таълим мазмуни ва таркиби, назорат ва ўқитишнинг ташкилий шакллари, методлари ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши ўқитиш жараёнида хусусий методикани ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини имкониятларидан фойдаланиш ва шу туфайли ўқув фаолиятининг кенгайиши, ўқитиш воситалари ва дарсликларга бўлган дидактик талабларнинг сифатий ўзгаришларига олиб келади.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар таълим-тарбия назарияси таркибий қисмларининг ўзгаришига, яъни педагогика фани парадигмасининг ўзгаришига олиб келади.

"Ахборот технологияси" ҳар қандай педагогик тизимда — илмий масалалар билан ўзаро муносабатда бўлган тушунчадир. Бирок, агар илмий масала ўқитиш ва тарбия қилиш мақсадларини ифодаладиган бўлса, у ҳолда ахборот технологияси ўқитиш ва тарбиялаш йўллари, уларган эришиш воситаларини ифодалайди. Бу жараёнда илмий масала тузилмасида талабаларнинг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши лозим бўлган аниқланган сифатлари муайян шарт-шароитларда ўқитиш мақсадлари сифатида иштирок этади, у эсаумумий ҳолда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Таълимда ахборот технологияларини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида фаолият юритиш алгоритмининг умумлашган чизмасидан фойдаланиш мумкин. У ўқитиш ва тарбия қилишнинг бир нечта босқичларини ўз ичига олади: мўлжал олиш (таълим-тарбиявий мақсадлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш); амалга ошириш (ўқитиш-тарбиялаш услублари, усуллари ва воситаларини кўзда тутилган кетма-кетликда амалга ошириш); назорат қилиш ва тузатиш.

Ҳар бир ахборот технологияда, шунингдек, қўйилган мақсадга эришиш учун унинг фаолият юритишини кузатиш, назорат қилиш ва тузатиш қоидалари тизимидан иборат бўлган бошқариш алгоритмидан фойдаланилади. Белгиланган ўқитиш-тарбиялаш мақсадларининг ҳар бирига эришиш учун педагогларнинг қатъий белгиланган ўқув-тарбиявий фаолиятини бошқариш алгоритмидан фойдаланилади. Бу нафақат ўқитиш-тарбиялаш жараёнининг муваффақиятлилигини баҳолаш, балки белгиланган самарадорликка эга бўлган жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш имконини беради.

Таълимий ўзаро таъсир кўрсатиш услублари, усуллари ва воситаларини саралаш ва оқилона танлаб олиш ахборот технологиясининг ўзига хос вазифаси сифатида иигирок этади. Айнан улар улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини белгилашда ҳамда педагогик фаолиятнинг мавжуд шарт-шароитлари, педагогнинг шахсий ўзига хос хусусиятлари ва унинг педагогик тажрибасини акс эттиришлари лозим.

Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Дидактика нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этадиган, ахборот технологияларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиладиган методик мақсадларга:

- ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тескари алоқа билан ўқув фаолияти назоратини олиб бориш;
- ўз-ўзини назорат қилиш;
- ўқув материални ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш ва мустақил тайёргарликни ташкил этиш;
- ўқув вақтини тежаш;
- ўқув ахборотларни компьютер орқали визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- компьютерда лаборатория машгулотларини бажариш;
- ахборот маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ўқишга қизиқишни орттириш;
- ўқувчини ўқув материални ўзлаштириш стратегияси билан қуроллантириш;
- фикрлашни ривожлантириш;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- ўқувчида ахборот маданиятини шакллантириш кабиларни киритиш мумкин.

Замонавий ахборот технологияларидан таълимда фаол фойдаланишга киришилди. Лекин, замонавий ахборот технологияларини жорий этишда қатор қийинчиликлар қуйидаги схемада келтирилган:

Замонавий ахборот технологияларини жорий этишдаги қийинчиликлар

- таълимни ахборотлаштиришга педагогик жамоаларнинг етарли тайёр
- эмаслиги;
- компьютер ўргатувчи дастурларнинг имкониятлари ҳақида тасаввурларнинг озлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камлиги;
- компьютер технологиялари воситаларининг қимматлиги;
- таълимда ахборот технологиялари бўйича мугахассисларнинг етишмаслиги.

Таълим тизимида ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан жорий этилиши замонавий технологияларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтиради. Айни пайтда таълимда замонавий ахборот технологияларини ривожланаётган йўналишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар:

1. Ўқув мақсадларидаги дастурий воситаларнинг имкониятларини ўқитиш воситаси, ўрганиш объекти ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиш.

2. Ўқув-методик мажмуалар яратишда, ўқув-намойиш асбоблари ва компьютер воситалари имкониятларини интеграцияси.

Бундай мажмуалардан фойдаланиш ўқувчига ўрганилаётган жараён ҳақидаги ресурс ва ахборотларни жамлаш, сақлаш, жараёнларнинг қонуниятларини моҳиятларини очиб беришга ёрдам беради⁷. Замонавий технологиялар негизидаги ўқув-намойиш мажмуаларининг қўлланилиши индивидуал ва жамоавий эксперимент фаолиятни ташкил этишга замин яратади. Бу эса, ўқувчида интеллект)гал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил билим олиш имкониятини яратади.

3. Мультимедиа тизимларини яратишда, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш. Бундай тизимлар ўзида дастурий-аппарат воситалар ва асбоблар

мажмуасини мужассамлаштириб, ахборотнинг турли (матн, графика, овоз, тасвир) кўринишларини бирлаштиради ва фойдаланувчи билан интерфаол мулоқотни ташкил этади. Мультимедиа тизимларидан фойдаланиш, фаол ўқитиш методлари ва шакллари жорий этишни таъминлайди, ахборотларнинг қабул қилиниш даражасини оширади.

Ахборот ва телекоммуникацион технологиялар

Олий таълимдаги муҳим ахборот ва телекоммуникацион технологиялар қуйидагилар:

- электрон дарслик;
- мультимедиа тизимлари;
- эксперт тизимлар;
- автоматик лойиҳалаш тизими;
- электрон кутубхоналар;
- маълумотлар омбори;
- локал ва глобал ҳисоблаш тизимлари;
- электрон алоқа;
- овозли электрон алоқа;
- электрон доска;
- телеконференциялар тизими;
- электрон типография.

⁷ “New methods in teaching history in present-day secondary schools in the Russian Federation”. - Strasbourg, 2000. – 198 p.

Электрон таълим ресурсининг асосий таркибий қисми - фан бўйича ўқув услубий мажмуа ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўқув-услубий мажмуа таркиби бўйича турли хил тавсиялар мавжуд бўлиб, уларда мажмуанинг турли компонентлари ёритилган. Лекин бизнинг фикримизча ўқув-услубий мажмуа таркибининг тўлиқ, мукамал варианты асосланмаган.

Ўқув-методик мажмуа (ЎММ) - давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси таркибининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, илм орқали билим олиш, тўлиқ ўзлаштириш ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Фан бўйича ўқув-услубий мажмуанинг соддароқ варианты тариқасида куйидаги намунавий таркибни тавсия этиш мумкин:

Фан бўйича ўқув-услубий мажмуанинг намунавий таркиби

Муқаддима

1. ФАННИНГ МЕЁРИЙ- ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

Фан бўйича намунавий ўқув дастур

Фан бўйича ишчи ўқув дастур

Фан бўйича модулли тақвимий режа

Фаннинг ахборот-услубий таъминоти (фан мавзуларига оид ЎзР. Қонунлари, ЎзР Президенти асарлари, ЎзР ВМ қарорлари, асосий адабиётлар, кўшимча адабиётлар, маъруза матнлари, интернет манбалари)

Ўқув-визуал материаллар рўйхати

Фан бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишнинг техник воситалар таъминоти (лаборатория ишлари учун талаб этиладиган техник жиҳозлар рўйхати)

2. ФАННИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Фанни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш алгоритми ва модуллар тизими

Фанни ўқитишнинг катта модуллари ва улар таркибидаги ўрта модуллар сони

2.3.Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмаси (ўрта модуллар мавзулари)

2.4. Фанни ўқитишдаги инновацион педагогик технологиялар (интерактив услублар ва б.)

Маърузаларда таълим технологиялари

Амалий машғулотларда таълим технологиялари

Фан бўйича мустақил таълимни ташкил этиш технологияси

3. ФАННИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

2.1. Фан бўйича дарслик

Фан бўйича ўқув қўлланма.

Фан бўйича маъруза матнлар тўплами (ёки маърузалар курси, таянч маърузалар тўплами)

Фан бўйича муаммоли маъруза матни

Фан бўйича лаборатория ишлари тўплами

Фан бўйича амалий машғулотлар тўплами

Мустақил таълим мавзуларини ўзлаштириш бўйича қўлланма

Глоссарий. Таянч сўзларнинг изоҳли луғати

Фан бўйича таянч сўзларнинг инглизча, русча-ўзбекча луғати (глоссарий)

2.9. Ўқув-визуал материаллар (слайдлар тўплами)

2.10. Фан бўйича электрон ўқув қўлланма (дискет вариантда)

2.11. Фан бўйича виртуал лаборатория ишлари (дискет вариантда)

4. ФАННИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ

Талабалар билимини аниқлашнинг рейтинг тизими

Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

Фан бўйича назорат саволлари тўплами

Жорий баҳолаш бўйичатест саволлари

Оралик баҳолаш бўйича тест саволлари тўплами

Оралик баҳолаш ёзма иш саволлари

3.3.5. Якуний баҳолаш ёзма иш саволлари

3.4. Фан бўйича ўз-ўзини баҳолаш учун вариантлар тўплами

Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари: Педагогик дастурий воситалар – компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Улар таълим жараёнини самарадорлигини оширишнинг истиқболли шаклларида бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади. Педагогик дастурий воситалар таркибига: ўқув фани бўйича аниқ дидактик мақсадларга эришишга йўналтирилган дастурий маҳсулот

(дастурлар мажмуаси), техник ва методик таъминот, қўшимча ёрдамчи воситалар киради.

Педагогик дастурий воситаларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

ўргатувчи дастурлар – ўқувчиларнинг билим даражаси ва қизиқишларидан келиб чиқиб янги билимларни ўзлаштиришга йўналтиради;

тест дастурлари – эгалланган билим, малака ва кўникмаларни текшириш ёки баҳолаш мақсадларида қўлланилади;

машқ қилдиргичлар – аввал ўзлаштирилган ўқув материални такрорлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади;

ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўқув муҳитини шакллантирувчи дастурлар.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш қуйидаги учта муҳим босқичнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди:

мазмун босқичи – бу босқичда электрон воситаларнинг ахборот-таълим ресурсларини шакллантириш ва унинг ахборот таъминоти мазмуни яратилади;

ташкилий босқич – бу босқичда электрон воситалар яратишнинг техник жиҳатлари билан бир қаторда, фойдаланувчиларнинг тоифаларини аниқлаштириш, мавжуд ресурсларни тизимлаштириш ва янгилаб бориш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларидаги мавжуд ресурсларни интеграциялаш, масофавий таълимни ташкил этиш, ахборот-таълим ресурсларига бўлган талабни аниқлаш мақсадида фойдаланувчилар бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш амалга оширилади;

методик таъминот босқичи – бу босқичда электрон воситалардан ўқув жараёнида фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, маслаҳат хизматларини бажариш йўлга қўйилади.

“Мультимедиа” – термини **“мульти – кўп, медиа муҳит”** деган маънони англатади ва компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, товуш, графика, расм, фото, анимация, видео ва х.к.з.) маълумотларни безак ва юқори дизайнда ягона ахборот объектида жойлашувидир.

Мультимедиа маҳсулоти – таркибида мусиқа тараладиган, анимация, видео, расмлар ва слайдлар галереяси. Турли маълумотлар базалари ва бошқалар бўлган компьютерда ишланган маҳсулотдир.

Мультимедиа маҳсулотлари:

Энциклопедиялар;

Ўргатувчи дастурлар;

Онгни ривожлантирувчи дастурлар;

Электрон китоблар (электрон мультимедиа дарслиги);

Болалар учун дастурлар;

Ўйинлар в х.к.з.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан етказилади, ҳамда замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео, анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади. **Электрон дарслик** – бу махсус равишда форматланган ва ахборот технологияларининг усуллари ва воситалари (гиперматнли қидирув, муҳим сўзлар бўйича автоматлаштирилган қидирув, билимларни интерактив назорат қилиш ва хоказолар) ёрдамида фанни ўрганиш имконини берувчи рақамли форматда тақдим этилган ўқув-методик қўлланмадир.

Электрон дарсликлар базаси – бу дарсликлар тўғрисида маълумотларнинг тизимлаштирилган ва таснифланган мажмуи, махсус талабларга жавоб берувчи тўлиқ матнли дарсликлар базаси.

Тарих таълимининг сифатини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, улардан фойдаланиш ўқитувчининг вақтини тежайди, дарс самарадорлигига ижобий таъсир қилади.

Мультимедиявий ахборотлар маълумотлар базаси ўқув мавзусига тааллуқли аудио, видео ёки қурама ахборотни ўз ичига олади. Кўпинча база мавзунини яхшироқ ўзлаштириш учун қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Методик қисмда ўқув топшириқлар базаси таҳсил олувчилар билимларини назоратдан ўтказиш тизимининг ахборот қисми ҳисобланади.

Илмий ва техник адабиётлар маълумотлар базаси ўқув мавзусига алоқадор бўлган электрон журналлар, китоблар, шарҳлар ва бошқа ахборот материалидир.

Ўқув материалини тизимлаштириш ва таснифлашда, шунингдек уларни тезкор қидиришда электрон каталог муҳим рол ўйнайди. Электрон каталог библиографик ахборот беришнинг халқаро форматлар талабларига жавоб бериши керак ва автоматлаштирилган кутубхона тизими «Каталогизатори» автоматлаштирилган иш жойидан фойдаланган ҳолда тузилади. Бу матндан тортиб то видеогача турли хилдаги ахборот манбалари тўғрисида маълумотлар етказиш шакллари бирлаштириш имконини беради. Маълумотлар базасида турли хил ахборотни сақлаш талабалар томонидан ўқув материали самарали ўзлаштирилиши учун, шунингдек ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлик кўриши учун муҳим шарт ҳисобланади.



Назорат саволлари:

1. Таълим методлари ва усуллари айтинг. Уларнинг бир-биридан фарқи қандай ?
2. Таълим методларини танлаш нимага боғлиқ ?
3. Тарих ўқитиш методлар классификациясини айтинг.
4. Таълим методларининг бир-бирига боғлиқлигини изоҳланг.
5. Билиш (англаш) босқичига кўра таълим методларини изоҳланг.
6. Таълим воситаларини мисоллар билан изоҳланг. Унинг тарих таълимидаги ўрнини тушунтиринг.
7. Таълим воситаларининг таснифини келтиринг.
8. Таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш нималарга боғлиқ
9. Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материалларнинг дидактик вазифасини айтинг.
10. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омилларни айтинг.
11. Графикли органайзер (ташкиллаштирувчи)ларга: инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/Б/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали ва бошқаларнинг хусусиятларини аниқ мисоллар билан тушунтиринг.
12. Электрон дарсликнинг таркибини изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Joyce Appleby, Lynn Hunt, Margaret Jacob. TELLING THE TRUTH ABOUT HISTORY. W.W. Norton & Company. New York - London. 1994.
2. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
3. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA. 2008.
4. Daniel J. Tew. Pedagogy of Teaching History: Comparing the Chronologic and Thematic Approaches. USA. Western Oregon University, 2014.
5. “New methods in teaching history in present-day secondary schools in the Russian Federation”. - Strasbourg, 2000. – 198 p.
6. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингнинг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
7. Гора П.В. Методические приемы и средства наглядного обучения истории в средней школе. — М., 1971.
8. Короткова М.В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории. — М., 1993.
9. Короткова М. В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях. Практическое пособие для учителей. – М., 1997.
10. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
11. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлар тарихини ўқитиш. - Тошкент, 1993. – Б. 98.
12. Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – 119 б.
13. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. (бакалавриат йўналишидаги талабалар учун ўқув кўлланма). – Тошкент: ЎЗМУ - Университет, 2002. – 190 б.
14. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. - Тошкент, Fan va texnologiya, 2008. – 219 б.
15. Joyce Appleby, Lynn Hunt, Margaret Jacob. TELLING THE TRUTH ABOUT HISTORY. W.W. Norton & Company. New York - London. 1994.
16. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
17. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA. 2008.
18. Daniel J. Tew. Pedagogy of Teaching History: Comparing the Chronologic and Thematic Approaches. USA. Western Oregon University, 2014.

19. "New methods in teaching history in present-day secondary schools in the Russian Federation". - Strasbourg, 2000. – 198 p.
20. Rahmatullayev M.A. Masofaviy ta'limning yetti jihati. - Toshkent, 2009.
21. Ганиева М., Файзуллаев Д. Замонавий ўқитиш воситаларининг педагогик технологиялари тўплами. - Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 95 б.
22. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. "Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш" тренингининг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
23. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. – Тошкент: Фан, 2010. – 686 б.
24. Новые педагогические и информационные технологии в средней школе / Под ред. Е.С. Полат. - М., 1999. - 224 с.
25. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. – 336 с.
26. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. – Т.: ТГЭУ, 2013.
27. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Таълимда ахборот технологиялари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.
28. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Электрон ўқув услубий мажмуалар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.
29. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У. Электрон университет: электрон вазирлик, масофавий таълим технологиялари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

2-Мавзу: ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари.

Маъруза, семинар дарсларига қўйиладиган талаблар

Режа:

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари
2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари.
3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт.

Таянч тушунчалар: дарс, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс, маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория, малакавий амалиёт, тарих фанининг таълим-тарбия вазифалари, илмийлик, тарихийлик, методологик, кўрсатмалилик.

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли.

ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари

Дарс - ўқув ишининг асосий ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган дарс доирасида ўқувчиларнинг доимий таркиби билан қатъий жадвал бўйича шуғулланади, жамоавий билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув дастурига ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади. Дарс таълим ва тарбия жараёнининг махсус шакллари эса дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади⁸.

Тарих курси олдида қўйилган таълим - тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир синфда ўқитиладиган тарих курсининг тутган ўрни, унинг таълим-тарбиявий вазифалари, ҳар бир боб ва улардаги мавзулар, ҳатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари олдиндан аниқ белгилаб олингандан кейин тарих ўқитишга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади⁹.

Тарих таълимида ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш биринчи навбатда ўқитувчининг ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини олдиндан аниқ ва тўғри белгилаб ола билишига боғлиқ.

Қаранг: ⁸ Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. (бакалаврият йўналишидаги талабалар учун ўқув қўлланма). – Тошкент: ЎЗМУ - Университет, 2002. – 190 б.

⁹ Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. - Б. 37-47.

Бу ҳам, ўз навбатида, ўқитувчининг дарсинг таълим-тарбия вазифаларини тўғри белгилаш методи ва усуллари ҳақидаги пухта назарий билим ва малакаларининг даражасига боғлиқдир.

Дарс ўқув жараёнининг асосий бўғини сифатида ёшларга фан асосларини ўргатишда муҳим ўрин тутади. Тарих дарсига қўйиладиган дидактик талаблар бу - илмийлик, тарихийлик, методологик, кўрсатмалилик, ўқувчиларни билиш имконияти ва ёш психологик хусусиятлари, узвийлик ва узлуксизлик, тарихни замон ва макон контекстида боғлаш, таълим ва тарбия мақсадига эга эканлигидир.

Ҳар бир дарсга тайёрланишда ДТС ва ўқув дастурининг уқтириш хатидаги кўрсатмалар назарда тутилади. Дарсни тайёрлаш ва ўтказишда ўқитувчининг ўз предмети бўйича ўқув дастурининг ҳар бир мавзусига тайёрланиши, ҳар бир дарсга тайёрланишини талаб қилади.

Ҳар бир алоҳида дарсга тайёрланишда ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга оширади:

- Мавзудан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларни конкретлаштиради;

- ўқув материали мазмунини ажратади ва уни дидактик жиҳатдан ишлаб чиқади (етақчи тушунча, қонуният, факт ва амалий маълумотларни ажратади);

- илгари ўрганилган билан боғланишни, мазмунни жойлаштириш мантиқини назарда тутади;

- ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолиятлари характерини аниқлайди, яъни қандай кўникма ва малакалар шаклланишини, репродуктив ва изланиш фаолияти, мустақил иш ва ўқитувчининг роли ўртасидаги нисбат қандай бўлишини ўйлаб қуяди.

- дарс шакли, воситаси, метод ва усулларини аниқлайди;

- ўқитиш методлари: масала, машқ, муаммоли саволлар, топшириқларни танлайди ва аниқлайди.

- дарс жараёнини лойиҳалаштиради ва режалаштиради.

Яхши тайёрланган дарсни яна уюшган ҳолда аниқ ва самарали ўткази билиш ҳам керак. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- 1) дарсни аниқ ва уюшган ҳолда бошлаш, бунинг учун эса дарсга ҳамма нарса олдиндан тайёрланган бўлиши керак;

- 2) ўқувчилар эътиборини дарс мазмунига қарата билиш ва уни бутун дарс давомида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириб сақлай билиш.

- 3) дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш;

- 4) ўз ҳатти – ҳаракатини кузатиш. Юксак маънавият, ахлоқийлик ва маданият, гапириш ва талаб қилиш, рағбатлантириш, ўқувчиларга мурожаат

қилиш услуги буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятининг услубини белгилайди, ҳамда ўқувчиларнинг зўр бериб ишлаши ёки ўта эмоционал кўғолувчанлигини истисно қилади.

5) дарсда тадбиркорликни намойиш қилиш юзага келган шароитни дарсни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур.

Таълим тизимида тарих курси олдига қўйилган таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини, шунингдек, унинг бошқа дарслар тизимида тутган ўрнини аниқ белгилаш ва шу вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Лекин ҳар қандай тарбиявий вазифани ҳам, бир ёки бир неча дарсда ёки синфдан ташқари машғулотларда ўтказиладиган айрим тадбирлар воситасида батамом мукамал ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳар бир тарих дарси ва дарсдан ташқари машғулотларда тарих ўқитишнинг мақсади бу таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашдир. Илмий дунёқарашни асосини ташкил этувчи муҳим тушунчаларни ўқувчилар аста-секинлик билан, бир қанча дарслар давомида ўзлаштириб боради, янги тушунчалар кейинги дарс материаллари асосида конкретлашиб, янги мазмун билан тўлдирилади. Кейинги дарс ўқувчиларнинг аввалги дарсларда олган билими, орттирган малакаларини кенгайтиради, уларда янги тушунчалар ҳосил қилади. Ўқувчилар тарихий жараёнларни кенг ва чуқурроқ тушунадиган бўлиб боради.

Дарс ўқувчиларнинг доимий таркиби, машғулотларнинг аниқ белгиланган олдиндан тузиладиган жадвал ва ўқув ишлари бирор аниқ мавзуда ташкил этилиши каби ўзига хосликларга эга бўлган таълимнинг жамоа шакли ҳисобланади.

Ўқув машғулотларида талабалар ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари учун замин яратилади.

■ **Билим** – атроф муҳит қонуниятлари, қонунлари, ҳодисалари, далиллари шунингдек, фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ҳамда хотирада мустаҳкамланиши

■ **Кўникма** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларидан фойдаланиб, муваффақиятли бажариш қобилияти

■ **Малака** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда автоматик равишда бажариш қобилияти

Олий мактабдаги ўқув машғулотларининг шаклларига маъруза, семинар, амалий, лаборатория иши, маслаҳат, ўқув педагогик амалиёти, мустақил иш, назорат иши курс иши, битирув малакавий ишни тайёрлаш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш киради.

2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари

Маъруза – олий ўқув юрти таълим тарбия жараёнида кенг қўлланиб келаётган шакллардан биридир. Маърузаларда қатнашиш мажбурий ҳисобланиб, унда талаба касбий тайёргарлик учун зарур бўлган билимларни эгаллайди. Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуктаи назар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади, умумлаштирилади.

Маъруза – ўқув машғулотларининг муҳим турлари сифатида фаннинг методологиясини очиб беради, шунингдек, ўрганилаётган фан бўйича илмий билимлар беради, дунёқарашни шакллантиради, ўрганилаётган мавзунинг энг муҳим масалаларини кенг таҳлил қилади, курсантларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, материални мустақил ўрганишнинг асосий йўналишлари ва методикасини кўрсатиб беради. Шу билан бирга, маъруза машғулотларида кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур фан бўйича мавзулар режасида назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш бўлиб, бунда ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, кўйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- *йўналтириши* - талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

- *ахборот бериши* - ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади.

- *методологик* - маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади. Қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

- *тарбияловчи* - маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

- *ривожлантирувчилик* - билим олиш қизиқишларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Маъруза жараёнида профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади, маъруза мазмунида ҳали дарсликка кирмаган янги фикр ва ғоялар, янги нуқтаи назарлар баён қилинади. Маърузу талабага билимлар оламига кириш йўлларини кўрсатади. Маърузачи ўқув дастурининг бутун мазмунини эмас, балки муҳим, мураккаб жойларини аниқлаб, уни очиб беради, фандаги фаразларни келтириб, мустақил фикр юритишга ундайди, муаммолар қўйиб, уни ҳал қилиш йўлларини кўрсатади.

Айниқса, қуйи курс талабалари учун маърузалар муҳим роль ўйнайди, чунки маъруза талабани фан оламига олиб кириш билан бирга билимларни мустақил эгаллашнинг манбалари, йўллари, воситаларини кўрсатади. Профессор-ўқитувчи маърузада қарама-қарши фикрлар, нуқтаи назарларни айтади, талаба манбалар устида мустақил ишлаш, танқидий фикрлаш йўли билан илмий хулосага келади.

Олий мактабда маъруза ўқиш, одатда юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар (фан номзодлари, докторлар, доцентлар, профессорлар)га топширилади. Маърузада ҳозирги замон фани - мамлакатимиз ва чет эл олимларининг эришган мувафақиятлари ҳақида илмий ахборотлар берилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузада ҳал қилинадиган **асосий вазифалар** қуйидагилардан иборат:

- *илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;*
- *талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;*
- *ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.*

Маъруза дидактик мақсади, ўқитиш жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий - якуний маърузалар фарқланади.

Кириш (муқаддима) маърузада курс (бўлим, мавзу)нинг илм-фан тизимидаги ўрни, ушбу материални амалиётда қўллаш имкониятлари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиб берилади. Бундай маърузанинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у

ёки бу томонларигагина тўхталади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма-деталь ёритиб берилади.

Мавзулар (тематик) маърузалар айниқса, кенг тарқалган. Бундай маъруза у ёки бу мавзуга бағишланган бўлиб, унда фактлар, уларнинг таҳлиллари, хулосалар мазмуни баён қилинади ва конкрет илмий қоидалар исботланади.

Умумий-яқуний маъруза аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни аввал баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотларни юксак абстракциялаш мавҳум босқичида тизимга туширилади. Бундай маърузалар талабалар билимининг чуқурлашишида ва ўқув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Ахборотларнинг баён қилинишга кўра маърузалар догматик, ахборот ва намоёни қилиш ва муаммоли маърузалардан иборат бўлади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир маърузанинг ўзига хос хусусиятларини қайд қилган ҳолда, улардаги умумий жиҳатларни ҳам фарқлаш лозим, чунки маъруза ўқиш ва уни лойиҳалаш жараёнида уларни амалга оширмасдан бўлмайди, улар қуйидагилар:

- *илмийлик;*
- *қулайлик;*
- *касбий йўналтирилганлик;*
- *оқибатли алоқани амалга ошириш.*

Маърузани фаоллаштириш, қизиқарли ва самарали ўтказиш учун нималар қилиш керак?

1. *Авваломбор қуйидаги дидактик талабларни бажариш керак.*

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- таълим олувчилар учун аниқ тузилмага келтирилган машғулот (кириш, асосий саволлар, асосий жойлар, яқун ва хулосаларни ажратиб кўрсатиш);
- мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни маълум қилиш;
- режанинг ҳар бир қисмидан сўнг умумлаштирувчи хулосалар қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ёзиш зарур бўлган жойларни: асосий тушунча, ифода, вақт, далиллар ва бошқ. айтиб туриш.

2. *Фаол таълим усулларини қўллаш*

- муаммоли маъруза
- анжуман-маъруза
- конспектсиз маъруза –

- муаллифлик маърузаси
- мунозарали маъруза
- қайтар алоқадан фойдаланилган маъруза
- аниқ вазиятларни кўриб чиқиш маърузаси
- маъруза-суҳбат

3. Таълим бериш воситаларидан фойдаланиш

- видео
- графопроектор
- флип-чарт ва бошқ.

4. Маърузага талабалар иштироки элементларини киритиш керак:

- саволлар бериш ва талабалар жавобларидан фойдаланиш;
- бунда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш, бу зўриқишни пасайтиради ва ҳиссий куч беради;
- аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқлаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш;
- талабаларда саволлар беришга қизиқишни уйғотиш;
- аввал ўрганилганлар билан, яъни янги ҳолат ва далилларни таққослаш.

3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари

Семинар - ОЎЮда таълимнинг амалий шакл ва усулларида бўлиб, дастур материали жиддий ва чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Олий таълимнинг давлат таълим стандартига биноан бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида семинар ва амалий машғулотларга кўпроқ вақт (соат) ажратилади.

Семинар машғулотлари – ўқув фанларининг асосий, энг мураккаб мавзулари ёки бўлимлари бўйича ўтказилади ва курсантлар томонидан маърузаларда ҳамда мустақил иш жараёнида олинган билимларни текшириш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлашни, материални мустақил равишда ўзлаштиришга кўмаклашишни, шунингдек, тинловчиларга материални оғзаки баён қилиш, баҳс олиб бориш кўникмаларини беришни мақсад қилиб кўяди. Мунозара машғулоти ижодий муҳокама, фаол дискуссия, курсантлар олдиндан тайёрлаган маърузалар (рефератлар) бўйича фикр алмашиш ва бошқа интерактив шаклларда ўтказилади. Семинар машғулоти амалий машғулот элементларини ўз ичига олиши мумкин (масалалар, топшириқлар бажариш ва ҳақозо). Семинар машғулотлари давомида талабалар фаннинг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга эга бўлишлари керак. Талабалар мунозара машғулотида тайёрланганда режада кўрсатилган саволларни ўрганиб олишлари ва мавзуга оид илмий адабиётлар, қонунлар ва

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда уларга ёзма равишда жавоб ёзишлари лозим.

Семинар - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулоти ўқитиш шаклидир. *Семинар машғулотининг асосий мақсади* - назарий материални (билимларини) тартибга солиш, амалий малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш, билимларини назорат қилишдир.

Семинар қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- *маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;*
- *фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;*
- *талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;*
- *назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан*

олиниши.

Семинар машғулотларига тайёрланиш талабадан жиддий тайёргарликни талаб этади. Талаба мавзуга тегишли марихий манба, тадқиқотларни чуқур ўрганиши, ёзиб келиши ва фикрини илмий далиллар билан асосли рақишда оғзаки баён этиши зарур. Семинар машғулоти баҳс-мунозарали тарзда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Семинарда талабалар фаол қатнашиши талабанинг ўзлаштириш сифатини ва нутқ маданиятини оширади. Бунда кичик гуруҳларда ишлаш, педагогик технологиялар ва АКТ ютуқларидан кенг фойдаланиш замон талабидир.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фаркланади: *семинаролди машғулоти, семинар ва махсус семинар.*

• **Семинаролди** машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

• Семинаролди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

• **Семинар машғулотларида** семинаролди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзунини ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва

умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

• **Махсус семинарлар** маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини кўзлайди.

Талабаларнинг семинар машғулотларида бўйича изоҳлар қуйидагича бўлиши керак:

- *мустақил фикрлашга йўналтириб туриш;*
- *тавсия этилаётган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;*
- *талабалар баҳсидаги нуқтаи назарларни дарров фарқлаб олиш;*
- *масаланинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириш.*

Семинар машғулотларида талабаларни фаоллаштириш, мақсадида улар томонидан рефератлар ёзиш, уларни муҳокама қилиш ва тақриздан ўтказишга ҳам жалб этилади. Шунингдек тақдимот асосида ҳам тайёргарлик кўриш талаб қилинади.

Семинарнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар:

- таълим берувчининг тайёргарлиги, бунда савол-жавоб техникасига эга бўлиши;
- таълим олувчилар гуруҳининг ҳолати, унинг мотивацияси, фаолиятни ташкил этиш хусусиятлари;
- ўқув жараёнининг техник жиҳозланганлигига боғлиқдир.
- семинар машғулотлари самарадорлиги - бу ҳар бир семинар иштирокчиси учун энг кўп индивидуаллик самарадорлиги ҳисоби билан, белгиланган мақсадларга эришиш.

Семинар машғулотлари қандай хусусиятларга эга? Биринчидан, талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш ва таркиблаштириш, мустақамлаш ҳамда кенгайтириш бўлса, иккинчидан аввал ўзлаштирилган билимларни мустақамлаш, кенгайтириш ва таркиблаштириш, мавзунинг назарий тушунчаларини ички ўзаро боғлиқлигини ва мавзуни курснинг бошқа мавзулари ёки бошқа фанлар билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилган бўлади.

4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт

Олий мактаб ўқитиш тизимида семинардан фарқли ўлароқ **амалий** (машқ, лаборатория) машғулот тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

Амалий машғулотлар - олий мактабда маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқурроқ ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларининг сифатини аниқлаш ва тўлдириш,

мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотлар одатда, кичик гуруҳларда олиб борилади. Бу машғулотларда талабалар билимини чуқурлаштиришга қаратилган мустақил ишлаш малакасини эгаллашга; тарихий манба, хрестоматия ва тадқиқотлар билан ишлаш, фактлар, илмий ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, умумлаштиришга ўргатади.

Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишдир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

Лаборатория ишлари – олий мактабда эгалланадиган ижтимоий-гуманитар, касбий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга хизмат қилади. Ўрганилган назарий билимни амалда. Тажрибада синаб кўриш кўриш йўли билан уни мустаҳкамлайди, касбни эгаллашга йўл очади. Лаборатория ишлари тадқиқот характери (тавсифи)га эга бўлиб, кузатиш, тажрибада синаб кўриш йўли билан масала (муаммо)га доир фактлар тўплаш, уларни умумлаштириб, назарий хулосалар чиқаришга ўргатади.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар. Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўрғазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;

- лаборатория машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Малакавий амалиёт – бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлиб, илғор корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтказилади. Малакавий амалиёт олий мактабда ўқиш жараёнининг ишлаб чиқариш шароитида ўтказиладиган давоми, таркибий қисмидир. Ҳар бир амалиётнинг мақсади, мазмуни ва муддати ўқув режалари ҳамда амалиёт дастурларида белгиланади. Амалиёт дастурлари танланган йўналиш, мутахассисликнинг малакавий талаблари, амалиёт объектлари -корхона, муассасаси томонидан ишлаб чиқилади, ректор тасдиқлайди. Малакавий амалиётни ўтказиш учун олий таълим муассасаси яқинида жойлашган объектлар танланиб, шартнома тузилади. Малакавий амалиёт тегишли билимлар асосида хорижий давлат корхона, муассасаларида ҳам ўтказиш мумкин.

Амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланади. У зарурий тайёргарлик ишларини бажаради, талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат этади, талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, ёзма ҳисоботни кафедра мудирини ва деканатга тақдим этади. Амалиёт объекти ходимлари шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаради.

Талаба малакавий амалиёт жараёнида: амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни бажариши, амалиёт объектининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши, бажарилган иш натижалари учун жавобгарликни бўйинга олиши, кундалик дафтар юритиши, амалиёт раҳбарига ёзма ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши зарур.

Назорат саволлари:

1. Тарих дарси, унга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. Тарих фанининг таълим-тарбия вазифаларини аниқлаш омилларини айтинг.
3. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шаклларини изоҳланг.
4. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари қандай?
5. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
6. Амалий машғулот, лаборатория ишларига қўйиладиган талабларни айтинг.
7. Талабаларнинг малакавий амалиёти қандай ташкил этилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
2. Короткова М. В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях. Практическое пособие для учителей. – М., 1997.
3. Очилов М., Очилова Н. Олий мактаб педагогикаси / Дарслик. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – 262 б.
4. Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 37-47.
5. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. (бакалаврият йўналишидаги талабалар учун ўқув кўлланма). – Тошкент: ЎзМУ - Университет, 2002. – 190 б.
6. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти // Методик кўлланма. – Тошкент: ТДПУ Ризографи, 2014. 6,5 б.т.

3-Мавзу: Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни лойиҳалаштириш. Мустақил таълимни ташкил этиш.

Режа:

1. Педагогик технология ва унинг илмий аспекти
2. Кейс-стади (Case – stadi), ҳамкорликда ўқиш, лойиҳа технологиялари.
3. Интерфаол усуллар ҳақида тушунча
4. Тарих таълимига интерфаол усулларни жорий этиш
5. Мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва турлари
6. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

Таянч тушунчалар: анъанавий таълим, педагогик технология, ҳамкорликда ўқиш, кейс-стади, лойиҳа технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, case – stadi технологияси, лойиҳа технологияси инновацион таълим технологиялари, интерфаол таълим усуллари, анъанавий усул, “жуфтликда ўйла, ишла, фикр алмаш”, блиц-сўров, концептуал жадвал, тинборд, кластер, тоифали жадвал, Т-жадвали, кичик гуруҳларда ишлаш, мунозара, дебат, мустақил таълим, мустақил ишларнинг турлари, шакллари, намуналар бўйича мустақил ишлар, реконструктив-вариатив, эвристик (қисман, ижодий), ижодий тадқиқот.

“Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди,
яхшиси эса уни топишга ўргатади”
А.Ф.Дистервег – немис педагоги

1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг аспекти

Буюк файласуф Конфуцийнинг: “Мен эшитаман ва унутаман, мен кўраман ва эслаб қоламан, мен бажараман ва тушунаман”, - деган фикри айниқса ҳозир таълимда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда ўқувчи кўз билан кўриб, ўзи мустақил бажаргандагина, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаши мумкин.

“Технология” сўзи фанга 1872 йилда кириб келган ва юнонча «*techne*» сўзидан олинган бўлиб, *маҳорат, санъат, малака, “logos”эса* - сўз, *таълимот* маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, технологик жараён дейилганда-мехнат қуроллари билан мехнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш бўйича қилинган мехнат ва жараёнлар тушунилади. Демак, бу таърифни турлича шарҳлаш мумкин, бунда: педагогик технология - бу ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни, деб таърифласак ҳам хато бўлмайди. Ривожланаётган хорижий давлатларда, биринчи навбатда, педагогик технологияга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Бундай ёндашиш ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда “Таълимни ривожлантириш масалалари” бўйича Халқаро Комиссия ташкил топди. Бу комиссия замонавий технология-таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир,- деб баҳолади.

XX аср 30-йилнинг ўртасида АҚШнинг Индиана университетиде талабаларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган, 1946 йил шу ернинг ўзида эшитиш ва кўриш таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш воситаларини ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди. Бу жараён “**таълимда технологиялар**” деб номланди. Кейинчалик “таълим технологияси” ўрнига “дастурлаштирилган таълим” атамасидан фойдаланиш кенг ёйилди.

Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойищалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юкори даражада бошқариш

Сўнгра педагогик технология - лойищалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода эта бошлади. Фақат 1970-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланиб, таълим технологиясининг илмий асосини информатика, телекоммуникация назарияси, педагогик квалиметрия, тизимли таҳлил, билиш фаолиятини бошқариш назарияси, ўқув жараёнини қулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий ташкиллаштириш кабилар ташкил қилди. Кўриш ва эшитиш воситаларининг янги турлари: видеоманитофон, айланмали кадрпроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалардан фойдаланиш кўзда тутилди.

1980-йилларда педагогик технология компьютерли ва ахборот технологиялари билан синоним тарзда ишлатила бошлади. Кўриниб турибдики, қатор йиллар давомида педагогик технологияга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинди. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди. Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи-талабаларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳоидисани педагогик технология, деса бўлади.

Педагогик технология – таълим шакллари тақомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО).

XXI асрнинг бошларида бу таъриф яна ўзгариб, педагогик технологиянинг - берилган ёки мавжуд шароитда педагогик вазифаларга мақбул эришиш йўллари оғли лойиҳалаш, деб қайд этилмоқда. Демак, технология субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма - кетликда бажаришни кўзда тутди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим жараёнига қуйидаги талаблар қўйилмоқда:

- Сифат, яъни аниқ, маълум таълим даражасини олиш;
- Оммавий, яъни, талаб этилаётган таълим даражасига бир вақтни ўзида кўп сонли талабалар эришишлари лозим;
- Самарадорлик, яъни, таълимга сарфланаётган харажатлар энг кўп самара бериши зарур.

Бу вазифаларни ҳал этиш таълим жараёнини технологиялаштиришга, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга олиб келмоқда

“Таълим технологияси” назариясининг шаклланиш босқичлари

№	Босқичлар	Йиллар	Таълим технологияси
1	I- босқич	XX асрнинг 30 йиллари	ТТ= Птех Ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех)
2	II- босқич	XX асрнинг 50 йиллари	ТТ=Птех. + ТВ Таълим жараёнида техник воситалар (ТВ)ни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, уларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, талаба фаолиятини индивидуаллаштириш
3	III- босқич	XX асрнинг 60-80 йиллари	ТТ = Птех. + ТВ + дастурий таълим (ДТ) Дастурий таълим – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, талабалар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташҳислаш, таълим жараёнининг

		самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
4	IV-босқич йиллари	Мустақиллик Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билиш мазкур жараён ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратади.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, қуйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эга:

1. Бир бутунлик, яхлитлик тамойили икки жиҳатни ўзида акс эттиради: 1) таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, “тизимлилик” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

2. Асослилик (фундаментлик) тамойили фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун “ядро”, “ўзак” саналувчи ахборотларга эга бўлиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келшини таъминлайди.

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг

ташқил этилиши ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун қулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

3. Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили немис педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутди. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда мутахассислар “соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чуқур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари” ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига пухта тайёрланиши лозим.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнон. “humanus” – инсонийлик, “humanitas” – инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди.

Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, **инсонийлаштириш** тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, **инсонпарварлаштириш** – инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташқил этиш жараёни бўлса, **инсонийлаштириш** “барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун” деган ғоя асосида ташқил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига

эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог талабалар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қилади: 1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

6. Таълимнинг узлуксизлиги тамойили таълим олувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутаяди. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади: а) таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият жараёнида мустаҳкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тadbиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Анъанавий таълимнинг афзалликлари:

- маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали;
- ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши;

- вақтдан унумли фойдаланиш;
- аниқ илмий билимларга таянади.

Анъанавий таълимнинг камчиликлари:

- ўқувчилар нофаол иштирокчи бўлиб қоладилар;
- ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди;
- ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди;
- эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир-хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин;
- мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.


Замонавий (ноаъанавий) таълимнинг афзалликлари:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ўз вақтида қайтар алоқаларнинг таъминланиши;
- тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
- ўқитиш усуллариининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши;
- мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- ўқувчиларнинг фанга оид мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;
- мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
- нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши;
- муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

Замонавий (ноаъанавий) таълимнинг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилиши;
- ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги;
- жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши;
- ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

ЎҚИТИШ ПИРАМИДАСИ



Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлиги.
2. Таълим корхоналари ва профессионал таълим дастурлари турларининг хилма-хиллиги, уларнинг фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланиш.
3. Профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш.
4. Таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш.
5. Профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб эттириш.
6. Ўқув жараёнини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш.
7. Кадрлар тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини қўллаш.
8. Шахснинг ривожланиши, ўлчови, сифат ва хулқини, қобилият интеллектини баҳолаш ва касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажариш.

9. Ўқитувчиларни юқори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

2. Кейс-стади (Case – stadi), ҳамкорликда ўқиш, лойиҳа технологиялари

“Case” сўзи, лотинча “casus”- “воқеа, ҳодиса” сўзидан келиб чиққан ва кейинроқ инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi – таълим таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим технологиясидир. Бунда муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади.

Кейс – стади (аниқ бир ҳолат ёки вазият), муайян жараёнида содир бўладиган ҳақиқий воқеъликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишда намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ифода таълим соҳасида, ҳодиса ёки вазиятни тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида кўлланилади. Кейс-стади ҳодиса ёки вазиятни оддий тафсилотидан фарқли ўлароқ, у ўқув материални ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади, бунга дуч келган муаммони аниқлаш ва унинг ечим йўлларини излаш орқали эришилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу мақсадлар кенг кўламли бўлиб, ахборотлар, маълумотлар ёки тафсилотлар билан таъминланишини назарда тутаяди, улар муайян қарашлар ёки усулларни намоёниш этишда кўлланилиши мумкин.

Кейс илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда кўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир

тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эға бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалға оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

Кейс-стади методининг асосий категорияси бу “таҳлил (анализ)”дир. Таҳлил этиш категорияси объектни хаёлан бўлакларға бўлиш ёки илмий тадқиқ этиш сифатида тушунилиши мумкин.

Анализнинг турли таснифлари мавжуд бўлиб оммавий анализ таснифини қуйидагича белгилаш мумкин: тизимли анализ, корреляцион анализ, факторли анализ, статистик анализ ва бошқалар.

Анализнинг ушбу барча турлари кейс-стади методи доирасида қўлланилиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолат методнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўқувчилар томонидан кейсни ечиш технологияси:

Биринчи босқич – кейсни ҳал этиш бўйича *индивидуал (аудиториядан ташқари)* иш.

Иккинчи босқич – кейс билан *биргаликда жамоа бўлиб (аудиторияда)* ишлаш.

Биринчи босқич – кейсни ҳал этиш бўйича индивидуал иш

Ўқувчи мустақил равишда:

- кейс материаллари билан танишади;
- тақдим этилган вазиятни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди;
- муаммо ва муаммо ости муаммоларни ажратади,
- вазиятни тадқиқ ва таҳлил қилиш усулларини танлайди;
- берилган амалий вазиятни таҳлил қилади;
- ажратилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди;
- таклиф этиладиган қарорни амалға ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.

Иккинчи босқич – кейс билан биргаликда жамоа бўлиб ишлаш

- Ўқувчилар кичик гуруҳларға бўлиниб, кейс билан биргаликда ишлашади:
- гуруҳ аъзоларининг вазият, асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақидаги турли тасаввурларини мувофиқлаштиришади;
- ечимнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар, қўйилган муаммо нуқтаи назаридан ушбу вазият учун энг мақбул вариантни танлашади;

➤ муаммоли вазият ечимига олиб келадиган танланган ҳаракатлар йўлини амалга оширишнинг аниқ кадамба-кадам дастурини батафсил ишлаб чиқадилар;

➤ тақдимотга тайёрланади ва намойиш этиладиган материални расмийлаштиришади.

Кейси ечиш натижаларини кичик гуруҳлар томонидан тақдимотини ўтказиш:

муаммоли вазият ечимининг ўз вариантини тақдим этади;

танланган ҳаракатлар йўлини изоҳлайди ва унинг оқилоналигини асослайди;

бошқа гуруҳлар қатнашчилари саволларига жавоб беради ва ўз таклифларини аниқлаштиради.

Жамоа бўлиб кейс устида ишлаш:

гуруҳлар таклиф этган ечимлар вариантларини муҳокамаси;

таклиф этган ечимларнинг ўзаро баҳоланиши.

Таклиф этилган ечимларнинг ҳаётийлиги ва амалга оширилиши мумкинлигига биргаликда (ўқувчилар ва ўқитувчи) баҳо берилиши ҳам мумкин.

Ўқитувчининг ҳаракатларини изчиллиги:

- ўқитувчи машғулот мавзуси ва мақсадини маълум қилади;

- ўқувчиларнинг прогноз қилинадиган таълимдаги ютуқлари рўйхатини эълон қилади;

- ўқув машғулотининг тартиби ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

- ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари эълон қилади;

- ўқувчиларда бўлғуси ўқув фаолиятига қизиқишни шакллантириш мақсадида кейснинг вазифасини ва унинг профессионал билимлар ва малакаларни ривожлантиришга таъсирини тушунтириб беради.

- ўқувчиларнинг ўқув мавзуси курси бўйича билимларини долзарблаштириш ишидан бошланади ва бу иш блиц-сўровнома ёки савол-жавоб шаклида ўтказилади.

Кейс билан шундан кейинги иш қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- иш ўқув режасига кўра ажратилган вақтга ,

- кейс ўлчами ва унинг мақсадлари ,

- танланган таълим моделига ,

- ўқув машғулотининг лойиҳалаштирилган технологик чизмасига

- режалаштирилган таълим технологияси билан белгиланади.

➤ Кейс билан яқка тартибда ишлашни ташкил қилади.

➤ Кейс билан жамоа бўлиб ишлашни ташкил қилади: ўқувчиларга ақлий хужум ўтказишни таклиф қилади – кейсда такдим этилган муаммоли вазиятни ҳал этиш ғоялари генерацияси

Ўқув машғулотининг яқунловчи-баҳоловчи босқичи

Ўқитувчининг ҳаракатларини изчиллиги:

- мавзу бўйича хулоса чиқаради, ўқувчилар эътиборини асосий жиҳатга қаратади;
- бажарилган ишнинг келгусидаги касбий фаолият учун аҳамияти ҳақида сўзлайди;
- гуруҳлар, айрим ўқувчилар фаолиятини баҳолайди ўзаро баҳолашларга яқун ясайди;
- ўқув машғулоти мақсадига эришганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Шунингдек, кейс-стади методи ўзида қуйидаги афзалликларни ва бошқа ўқитиш методларидан ажралиб турувчи жиҳатларига эга:

1) у ёки бу ижтимоий-иқтисодий тизим моделининг мавжудлиги ҳамда ушбу модель ҳолатининг муайян вақт бирлиги ичида таҳлил этилиши;

2) муаммо ечимини аниқлашга жамоавий тарзда эришиш. Муаммонинг ечимида турли муқобил жавобларнинг мавжудлиги. Ягона ечимнинг мантиқан мавжуд эмаслиги;

3) муаммо ечимини излашда ягона мақсаднинг қўйилиши;

4) Фаолиятни баҳолашнинг гуруҳий тизимининг мавжудлиги.

Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи. Қоидага кўра, кейс уч қисмдан иборат бўлади:

1) кейсни таҳлил этиш учун зарур ёрдамчи ахборотлар;

2) аниқ вазият баёни;

3) кейс топшириғи.

Кейснинг ҳужжатлаштириш ҳақида маълумот

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир. Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Кейснинг илмий паспорти тайёрланади ва унда албатта илмий паспорт тайёрланилади. Мақсаднинг қўйилиши.

Кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш.

Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.

□ Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси»ни аниқлаш:

ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати.

Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг амал қилиши ва ифодаланиши шаклидан иборатлиги сабабли муаммонинг ифодаланиши ана шу зиддиятни белгиланади.

«Кейс-стади» технологиясидан таълим натижаларини назорат қилиш ва текширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир ўқувчига имтихондан олдин индивидуал кейс берилади. Ўқувчилар кейсдаги топшириқларни бажариб, ҳисобот шаклида ўқитувчига топширадилар.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи ўқув мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил турдаги кейсларни ишлаб чиқиши лозим.

Кейс асосидаги ўқув машғулотларида ўқувчилар фаолиятини турли шаклларда ташкил қилиш имконияти мавжуд. Масалан, таклиф этилаётган вазият сахналантирилиши ҳамда "Ақлий ҳужум", баҳс-мунозара, илмий баҳслашув методлари орқали муҳокама қилиниши мумкин.

Очиқ мулоқотда асосий омиллар ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари, ўқитувчининг мулоқотни ташкил эта олиш қобилияти саналади. Саволларни бериш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини кейс матнидаги аниқ ахборотга қаратади, тўғри жавоб беришга ундайди. Кейс матнидаги муаммони ажратиб олиш, вазиятни баҳолаш, ҳодиса ва жараённи таҳлил қилиш ўқувчиларнинг коммуникацион кўникмаларини ҳам ривожлантиради.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи ўқув мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил турдаги кейсларни ишлаб чиқиши лозим.

«Кейс-стади» технологиясига қўйиладиган талаблар:

- мавзу долзарб ва бир нечта ечимларга эга бўлиши;
- танланган матн ўқув машғулотининг мақсадига мос келиши;
- тадқиқ қилинаётган муаммони ҳал этиш учун ахборотнинг етарли бўлиши.

“Кейс-стади” бошқа технологиялардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

1. Топиш ва ҳал қилиш зарур бўлган муаммоли вазиятнинг мавжудлиги.
2. Муаммони жамоада муҳокама қилиш.
3. Муаммонинг бир нечта ечимлари мавжудлиги.
4. Таълим олувчиларнинг эмоционал ҳолатларини бошқариш мумкинлиги.
5. Фаолиятни баҳолаш имконияти.

Кейс технологиясини ташкил этишда ўқитувчининг фаолияти икки босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич — кейсни ва унинг таҳлили учун саволларни ишлаб чиқиш учун ўқитувчининг ижодий иши. Бу босқич ўқув машғулотида олдин амалга оширилади ва педагогнинг илмий-тадқиқот, методик ва конструктив фаолиятини қамраб олади.

Иккинчи босқич — ўқитувчининг аудиториядаги фаолияти. Бунга ўқитувчининг кириш сўзи, хулосаси, кичик гуруҳларда ишни ташкил этиши, баҳс-мунозарани бошқариши, вазият таҳлили бўйича ўқувчилар фаолиятини баҳолаши киради.

Кейс билан ишлаш қуйидагилардан иборат:

Ҳамкорликдаги фаолиятга киришиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси ҳамкорликдаги фаолиятга бўлган мотивацияни шакллантириш.

Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда муаммони ҳал этиш бўйича фаолиятни ташкил этиш. Ҳар бир гуруҳда спикер (муаммо ечимини тақдим этадиган), котиб (муҳокаманинг боришини ёзиб борадиган), вақт назоратчиси (вақт ўтишини назорат қиладиган) танланади. Агар кейс тўғри тузилган бўлса бир гуруҳнинг ечими бошқа гуруҳнинг жавобига ўхшамайди. Ўқитувчи баҳсни ташкил этади ва уни бошқаради.

Кейсни бажариш жараёнида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар ривожланади:

1. Ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш (матнни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш, муаммони ҳал этиш йўлларини кидириш, ахборотни синтез қилиш).

Коммуникатив (суҳбат юритиш, бошқаларни ишонтириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, бошқаларнинг хулқ-атворини баҳолаш, ўзини назорат қилиш).

3. Рефлексив кўникма (ўзининг ва бошқаларнинг фикрини таҳлил қилиш).

Институционал тизимнинг изланиши ёки танланиши

Кейснинг педагогик паспорти

Кейснинг педагогик паспорти, бу унинг ташкилий-услубий таъминотидир. У қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- педагогик аннотация;
- талабага услубий кўрсатмалар;
- ўқитувчи – кейсологнинг кейсни ҳал этиш варианты;
- таълим технологияси.

Педагогик аннотация

Қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курс кўрсатилади.
2. Кейсдан кўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).
3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.
4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.
5. Ахборот олиш манбалари рўйхати
6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).
7. Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Кейсни расмийлаштириш йўллари:

1. Қўлёзма ёки босма вариантда
2. Электрон вариантда
3. Видео вариантда
4. Аудио шаклда
5. Мультимедиа шаклида

Тақдим этиш шаклига кўра бугунги кунда таълим амалиётида уч турдаги кейс-топшириқларидан фойдаланилмоқда:

Босма ҳолатдаги кейс (уни янада кўргазмали бўлишини таъминлайдиган график, жадвал, диаграмма, иллюстрацияларни ҳам ўз ичига олади).



Мультимедиа-кейс (сўнги вақтларда кенг қўллашни талаб этаётган видеоролик ва анимацион материаллар).



Видео кейс (фильм, аудио ва видео материаллардан иборат бўлиши мумкин).

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кейс-стади методидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Ҳамкорликда ўқитиш” технологияси

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгаллиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар ўқувчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот

Ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, ўқувчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

1. Ҳамкорликда ўқиётган ўқувчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

2. Ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

3. Ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

4. Ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини кўшишга олиб келади.

5. Иштирокчилар билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

6. Ўқувчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган ўқувчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

7. Бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар.

8. Аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди.

9. Ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топширик;

- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.¹⁰

Йўриқномага талаб:

Йўриқнома қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- топшириқни аниқ ифодаланиши;

- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;

- тажрибада синалган бўлиши керак. Бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиши керак;

- гуруҳ топшириқни мустақил бажариши учун тўла тавсияномани олиши керак ундан;

- ҳар бир таълим олувчи учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.

Таълим олувчиларни ҳамкорликда ишлашга тайёрлаш – ўқув гуруҳида хайрихона муносабат муҳитини яратади. Фақат шунда ҳамкорликда ишни самарали ва ижодий бажарадилар. Таълим олувчилар топшириқларни гуруҳларда бажариш қондасини билишлари ва йўналтирилган бўлишлари керак.

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

- Гуруҳ лидерини сайланг.
- Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни
- муҳокама қилинг.
- Топшириқни бажаринг.
- Такдимотга тайёрланинг.
- Такдимот ўтказинг.

¹⁰ Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.

• Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни бажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

4. Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

5. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади; ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

6. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича яқка тартибда ишлаш, яқка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

7. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Яқун ясаш – натижалар текширувини ўтказди:

-гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади;

Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси жараёнида ўқувчи қуйидагиларга эга бўлади:

1. Ахборотни танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ сарфини талаб этади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

Лойиҳа технологияси

Лойиҳавий таълим қуйидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш имконини беради ва давр талабига айнан мос келади:

1) таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди;

2) назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаш ва ўқувчиларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имко нини беради;

3) касбий ва таянч лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Лойиҳали таълимнинг асосий тушунчаларига қуйидагилар киради:

1) лойиҳа;

2) лойиҳалаштириш;

3) лойиҳавий фаолият;

4) ўқув лойиҳаси;

5) ўқув лойиҳавий фаолият;

6) лойиҳавий таълим;

7) лойиҳавий таълимнинг технологияси.


Қуйида биз мазкур тушунчалар асосида лойиҳали таълимнинг ўзига хосликларини ёритиб берамиз.

Лойиха (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йиғиндиси. Лойиха (projekt) – тушунчаси кенгрок ифодаланиб, маълум натижа (лойиханинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

Лойихалаштириш - («лойиха» сўзидан) – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Таълим маъносидаги лойихалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

Лойихавий фаолият ўзига хос кўринишга эга бўлиб, қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: лойиха концепциясини ишлаб чиқиш, лойихавий фаолиятни ташкил этиш, лойихавий фаолиятни режалаштириш, лойихавий вазифаларни ҳал этиш, лойихани расмийлаштириш, ҳисобот тузиш, натижалар тақдимотини тайёрлаш, лойиханинг оммавий тақдимоти, ҳимояси ва баҳоси, рефлексия, ҳисобот топшириш.



“Ўқув лойихаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга:

– муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот

кўринишида расмийлаштиришга қаратилган ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

– назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари;

– ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Ҳозирги вақтда таълим амалиётида лойиҳанинг хилма-хил турларидан фойдаланилади:

1) етакчи фаолият турига кўра: тадқиқот, амалий йўналтирилган ва ахборотли;

2) фанга йўналтирилганлигига кўра: монолойиҳа ва фанлараро лойиҳа;

3) давомийлигига кўра: ўзоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли;

4) лойиҳа иштирокчиларининг сонига кўра: индивидуал ва гуруҳли.

Мазкур ўқув лойиҳаларининг ҳар бири ўзининг мақсади, натижаси ва мавзу баҳси юзасидан бир-биридан фаркланади. Масалан, ахборот тавсифига эга лойиҳанинг мақсади муаммонинг ҳолати тўғрисида маълумот тўплаш, унинг таҳлили, умумлаштирилиши, ёритилиши ва муаммони ҳал этишнинг мавжуд усуллари ва воситалари таснифи, уларнинг устунликлари ва камчиликларини изоҳлаш (асослаш)дан иборат бўлса, тадқиқотчиликка доир лойиҳада эса, тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммонинг асосланган изоҳи, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш мақсад сифатида белгиланади.

Худди шундай натижасига кўра ҳам лойиҳалар алоҳида ўзига хосликка эга. Масалан, тадқиқот тавсияга эга лойиҳа натижаси ҳисобот, маъруза, кейс билан тугаса, амалий йўналтирилган лойиҳалар эса истиқболли режа, ҳаракатлар дастури, стратегия, маълумотнома каби натижаларга эга бўлади.

Ўқув лойиҳавий фаолият – бу қўйилган вазифага эришиш, таълим олувчилар учун муҳим ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бирор-бир якуний маҳсул кўринишида расмийлаштирилган, муаммони ечиш учун таълим олувчиларнинг белгиланган изчилликдаги ҳаракатлари мажмуаси.

Ўқув лойиҳавий фаолият уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёргарлик босқичи. Мазкур босқич синфда амалга оширилиб, иккита фазани ўз ичига олади: лойиҳага киришиш ҳамда лойиҳа фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш.

Лойиҳага киришиш босқичида ўқувчилар:

1) вазиятга мослашиш;

2) муаммони шахсан ўзлаштириш (муаммони тушуниш ва амалий фаолиятнинг муайян соҳаси учун унинг ечими долзарб ва муҳимлигини англаш);

3) лойиҳанинг мақсади, муаммони ҳал этиш масалаларини қабул қилиш, аниқлаштириш ва муайянлаштириш;

4) лойиҳанинг натижаси (маҳсулоти) ва уни тақдим этиш шаклларини англаш, лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва ўқитувчи билан мулоқотнинг характерини белгилаб олишади.

Лойиҳага киришишнинг режалаштириш фазасида:

1) гуруҳларга бирлашишади;

2) лойиҳа бўйича ишлар турларини ажратиб, қатнашчилар орасида тақсимлашади;

3) лойиҳа бажариш бўйича ишчи режасини ишлаб чиқишади;

4) уни бажаришнинг оптимал усуллари ва воситаларини танлашади;

5) натижа тақдимотини расмийлаштириш усуллари ва шаклларини белгилашади;

6) лойиҳа масъули, ҳисобот ва тақдимотни баҳолаш мезонларини муҳокама қилишади.

2. Лойиҳани бажариш босқичи синфдан ташқарида амалга оширилиб, ушбу даврда ўқувчилар ўзларининг вазифалари билан мувофиқ тарзда ва маълум қилган ҳолда фаол ва мустақил ишлайдилар:

1) турли манбалардан ахборот тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш ишларини олиб борадилар;

2) тадқиқот ўтказадилар, натижаларни таҳлил этишади;

3) зарурат туғилганда маслаҳатлашадилар;

4) оралиқ натижаларни муҳокама қиладилар;

5) ҳаммадан олинган натижаларнинг умумий тўпланиши ва муҳокамасини ўтказадилар.

3. Яқунловчи босқич ҳам синфда ташкил этилиб, лойиҳа тақдимоти, ўқувчилар маҳсулоти ва лойиҳа фаолиятининг баҳоланиши, лойиҳа фаолияти рефлексияси кабиларни ўз ичига олади:

1) лойиҳанинг жамоавий тақдимоти вақтида қуйидагиларни акс эттиришади:

- муаммо, мақсад ва вазифаларни тушуниш;

- ишни режалаштириш ва амалга оширишни билиш;

- ечимларни излаш жараёни таҳлил қилиш;

2) лойиҳалар ва тақдимотнинг ўзаро баҳолашади;

3) фаолият ва натижанинг рефлексиясини амалга оширишади: иш давомида ва якунида юзага келган ютуқларини англаш, йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиш, шахсий ўзгаришларини англашни намоён этадилар;

4) лойиҳа фаолияти ҳақида ҳисобот топширишади.

Мазкур босқичларда амалга ошириладиган ўқув лойиҳаси ўзининг паспортига эга бўлиб, педагогик аннотация, лойиҳа топшириғи, ўқувчиларга услубий кўрсатмалар, лойиҳа таълимнинг технологик картасини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик аннотацияда куйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топади:

- 1) ўқув фанининг номи;
- 2) лойиҳа мавзуси;
- 3) қатнашчилар;
- 4) таълимнинг мақсади;
- 5) режалаштириладиган ўқув натижалари;
- 6) ўқувчилар лойиҳани муваффақиятли ҳал этиши учун аввал эгалланган билим ва кўникмалар рўйхати;
- 7) лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси;
- 8) лойиҳани бажариш тартиби;
- 9) лойиҳанинг баҳоланиши;
- 10) лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари;
- 11) таълим моделининг қисқача тавсифномаси.

3. Тарих таълимига интерфаол усулларни жорий этиш

Инновацион технологиялар - педагогик жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиши бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. *Фаол ўқитиш методлари, илгор педагогик технологиялар инновацион зояларнинг маҳсулидир.* Таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар интерфаол усуллар дейилади. Бундай интерфаол усуллар таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларни эркин алмашинувини назарда тутувчи диалог асосида курилади.

Интерфаол (“Inter”-бу ўзаро, “akt”-ҳаракат қилмоқ) ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки суҳбат, мулоқат тартибида бўлишини англатади. Интерфаол таълим бериш – диалогли таълим бериш бўлиб, бунда таълим беруви ва таълим олувчи ҳамда ва компьютернинг ҳам ўзаро ҳаракатида амалга оширилиши мумкин. Интерфаол усул – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни

Ўзлаштиришини таъминлашга, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “ўқитувчи-ўқувчи” ва “ўқувчи-ўқувчи”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектидан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади. Бунда ўқувчилар ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Албатта интерфаол ўқитиш технологияси анъанавий маъруза дарсларини амалий дарсларга қарама-қарши қўймайди. Интерфаол таълимда маъруза ва амалиёт бир бутун машғулотнинг қисмлари деб қаралади, бу ўқитувчи ҳамда ўқувчининг ўзаро таъсири ва ўқувчиларнинг машғулот давомида фаол иштирок этиш даражаси билан белгиланади.

Маълумки, анъанавий маъруза дарсларида ўқитувчи фаоллиги таъминланса, амалий машғулотларда ўқувчи фаоллиги талаб этилади. Интерфаол усулда ўқитувчидан машғулот давомида ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро таъсир даражасининг бир кўринишидан иккинчисига мавзуга боғлиқ ҳолда устамонлик билан равон ўтиши талаб этилади. Интерфаол дарслар жараёнини фан бўйича мавзунинг мақсад ва вазифаси ҳамда таълим олувчиларнинг эҳтиёжига боғлиқ ҳолда тақсимланади.

Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда суҳбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қилади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи(талаба)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, ўқувчи (талаба)лар бу вазиятда суст тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир. Анъанавий таълимдаги бир томонламалик таълим тизимига кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи намоён бўлади. Ўқувчи, асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намоёйиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қилади. Ўқувчилар гуруҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган

ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гуруҳи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади.

Ўқувчи маълумотларни фақат эшитиш орқали қабул қилса, берилган маълумотларнинг ўртача 20 фоизини ўзлаштиради. Яъни, дарсда мавзу фақат оғзаки баён методи ёрдамида (анъанавий) ўтилса, ўқувчилар маълумотларнинг 80 фоизини эса сақлаб қололмайди ва дарров унутишади. Шу сабабли маърузани фақат ўқиб бериш ёки оғзаки тушунтириш шаклида олиб бориш самарасиз ҳисобланади.

Интерфаол ўқитиш ўқувчилардан ахборотни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

1) ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;


2) ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг субъекти – талаба ҳисобланади;

3) муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш усуллариини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

4) ўқув фаолиятнинг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий субъекти бўлган талабада фикрлаш, билиш ҳаракати усуллариини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин тутаяди;


5) ўқув фаолиятини амалга ошириш жараёни талабадан ўзининг шахсий билиш маҳорати ва кўникмаларини ўзлаштириб олиши учун замин ҳозирлашдан иборат.

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди. Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Шунга кўра интерфаол ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва кўллаб - қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”¹¹.

Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишда эса шахслар ўртасидаги суҳбат (диалог) куйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:



Интерфаол таълим моҳиятига кўра суҳбатнинг “ўқувчи – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши ўқувчи (талаба)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади. Ўқитишнинг интерфаол таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда ва хатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ,

¹¹ Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.

бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол усулларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Интерфаол усулларга “жуфтликда ўйла, ишла, фикр алмаш”, блиц-сўров, концептуал жадвал, пинборд, кластер, тоифали жадвал, Т-жадвали, кичик гуруҳларда ишлаш, мунозара, дебатлар ва бошқалар киритилиб, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар

	Асосий тушунчалар	Анъанавий дарс	Интерфаол дарс
1	Дарс мақсади	Дарсда билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш.	Дарс мавзуси бўйича мустақил фикрлаш, хулосага келиш, уларни баён қилиш, ҳимоялашга ўргатиш
2	Ўқитувчининг вазифалари ва иш усуллари	Янги мавзунини тушунтириш, мустаҳкамлаш, назорат, топшириқлар бериш.	Ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ва тақдимотларини ташкил қилиш, бошқариш, назорат, якуний хулосаларни асослаб бериш.
3	Ўқувчининг вазифалари ва иш усуллари	Ўқитувчини тинглаш ва билимларни ўзлаштириш, берилган топшириқларни бажариш.	Ўқитувчи берган топшириқларни бажариш бўйича мустақил фикрлаш, ўз фикр, хулосаларини бошқаларга солиштириш ва якуний хулосага келиш
4	Вақт тақсимоли	Дарснинг кўп қисми ўқитувчининг янги мавзунини тушунтириши, таҳлил қилиши, топшириқларни тушунтириши, ўзлаштиришни назорат қилишига сарфланади.	Дарснинг кўп қисми ўқувчиларнинг мустақил топшириқларни бажариши, фикр алмашиши, мушоҳада қилиши, ўз хулосаларини баён қилиши ва ҳимоялашига сарфланади.
5	Дарснинг модул ва алгоритми	Дарснинг модул ва алгоритмларидан ҳар	Ҳар бир дарс олдиндан тайёрланган модуллар ва

		бир ўқитувчи ўзи кўллаётган методга мувофиқ фойдаланади.	алгоритмларга, лойиҳаларга мувофиқ ўтказилади.
6	Ўқувчиларнинг фаоллик даражаси	Ўқитувчи ҳар томонлама фаол, ўқувчилар диққатни жамлаш, тушуниш, фикрлаш, топшириқларни бажариш бўйича фаол.	Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ҳар томонлама фаол. Фаолликнинг шакллари: ўқитувчи-ўқувчи; ўқувчи-ўқувчи; ўқувчи-кичик гуруҳ; кичик гуруҳ-кичик гуруҳ; ўқувчи-ўқитувчи; кичик гуруҳ-ўқитувчи;
7	Кутиладиган натижа	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириши.	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг ўз фикр, хулосаларини шакллантириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш.

4. Тарих таълимига интерфаол усулларни жорий этиш

“Жуфтликда ўйланг, фикрланг, фикр алмашинг” техникаси

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

“Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.

2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа яқунини ифодалаб беришни таклиф қилади.

Жуфтликда ўйла, ишла, фикр алмаш – бу карточкалар тузишни талаб қилмайдиган техника. Бу жараёндан фойдаланиб, ўқувчилар бир-биридан ўрганадилар ва ўз ғояларини жамоани олдига чиқаришдан аввал хавфсиз майдонда синовдан ўтказиш имконига эга бўладилар. Бу ўқувчилар ўз кучига

ишончини кўтаришга кўмаклашади. Бу усулнинг афзалликлари кўйидагилардан иборат: ишга амалда ҳамма жалб этилган ва ҳар бир киши ўрганилаётган масалага ойдинлик киритишга ўз улушини қўшиш имконига эга. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчи ҳам улардан кутилаётган нарсани аниқ тушунадилар. Бу модель биринчи марта Мериленд Университетида (Франк Липан) томонидан таклиф этилган. Бу машқни бажаришнинг тўрт босқичи мавжуд. Ҳар бир босқич фақат вақт билан чекланади. Буни қандай бажариш керак?

Биринчи қадам – ўқитувчи савол беради. Бу бутун синф муҳокамаси учун берилаётган муаммо бўлиши мумкин. Масалан, «Ўзбекистон тарихида хумо қуши ниманинг рамзи»? бу жараёнда битта жавоб бериладиган саволлардан қочиш лозим. Саволлар ўқувчиларда муҳокама қилиш ёки фикр юритиш истагини уйғотадиган бўлиши керак.

Иккинчи қадам – ўқувчилар индивидуал фикрламоқдалар. Ўқитувчининг саволига жавоб топиш учун чекланган вақт берилади. Жавоб топишга ажратилган вақтни ўқувчиларнинг билим даражаси, савол тавсифи ва дастур талабларигталабларига мувофиқ ўқитувчи белгилайди. Агар ўқувчилар ўзларининг индивидуал жавобларини ёзиб қўйсалар фойдали бўлади. Бу жараёнда ўқувчилар фақат битта тўғри жавоб бўлмаслиги ва уларнинг ҳар бири ўзининг жавобини топиши мумкинлигига ишонгани муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи қадам – жуфтликларда муҳокама қилиш. Жуфтликларга бирлашиб, ўқувчилар умумий жавобни ифодалашлари мумкин. Айрим ҳолларда ўқувчилар ўз жавобларини янада ишончли бўлишини таъминлашлари учун тўртликларга бирлашиб, муҳокама қилиши мумкин. Жуфтликдаги ишнинг бу босқичи муҳокама қилинаётган масала рўёбга чиқарган муаммолар тўғрисидаги фикрларни кенгайтиришга кўмаклашади.


Тўртинчи қадам – ўқувчилар ўз жавоблари билан синфни таништирадилар. Бу босқичда ўқувчилар ўз эчимларини ҳам индивидуал равишда ҳам ҳамкорликда тақдим этишлари мумкин. «Ўйла, жуфтликда ишла ва фикр алмаш» машқининг якуний босқичи бир неча афзалликларга эга. Ўқувчилар эчимнинг ҳар ХИЛ, бетакрор йўллари топадилар. Уни устига ўқув мазмуни китоб ёки ўқитувчи тилида эмас, балки ўқувчиларнинг тилида ифодаланади.

«Ўйла, жуфтликда ишла ва фикр алмаш» машқининг *муваффақияти ва сифати биринчи босқичда берилаётган савол сифатига боғлиқ*. Агар савол ўқувчиларнинг чуқур тафаккурига кўмаклашса, шундай чуқур тушуниш кейинги босқичларда ҳам албатта пайдо бўлади.

“Блиц-сўров” методи

“Блиц-сўров” (инглизча “блиц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (талаба)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:




Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти ўқувчи (талаба)лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

“Концептуал жадвал” методи

Метод ўқувчи (талаба)ларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда ўқувчи (талаба)ларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:




Ўқувчи (талаба)лар эътиборига қуйидаги намунани тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

“Муаммо” технологияси

Технология ўқувчи (талаба)ларни мавзудан келиб чиқиб, турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг тўғри ечимини топиш, муаммо моҳиятини аниқлашга доир малакаларни шакллантириш, уни ечишнинг айрим усуллари билан таништириш, ечимни топиш учун мос усулларни тўғри танлаш, муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, шунингдек, ечимни топишга йўналтирилган ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга ўргатади¹².

Таълим жараёнида технологияни қўллаш қуйидагича кечади:



¹² Рўзиева Д. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. – Тошкент, 2014.

Изоҳ: 1. Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни технологиядан фойдаланиш коидалари билан таништиришда машғулотнинг босқичли бўлиши, ҳар бир босқичда ўқувчи (талаба)дан эътиборли бўлиш талаб қилиниши, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларига урғу бериб ўтиши лозим. Бундай йўл тутиш ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришга руҳан тайёр бўлишларига ёрдам беради, уларда қизиқини уйғотади.

2. Технология асосида ишлашда ўқувчи (талаба)лар томонидан машғулот учун тайёрланган плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, дарслик, ёрдамчи адабиётлардан бирор бир материални ўрганиб, унда ёритилган муаммоларни аниқлайди ва уларни хотирада сақлаб қолади ёки дафтарларга белгилаб қўяди.

3. Ўқувчи (талаба)лар топшириқни индивидуал равишда бажаришлари учун ўқитувчи томонидан қуйидаги жадвал тавсия этилади:

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммонинг ечиш йўллари (амалий ҳаракатлар)
1.		
2.		
...		

“3x4” технологияси

Технология ўқувчи (талаба)ларни аниқ бир муаммони якка ҳолда фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, ғоялар орасидан муҳимини танлай билиш, бир неча муҳим фикрни умумлаштириш, улар асосида муаммо юзасидан аниқ тушунча ҳосил қилиш ва ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади. У ўқувчи (талаба)ларни мустақил фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, фикрларни жамлаб, назарий ва амалий тушунчалар ҳосил қилиш, жамоага ўз фикрини ўтказиш, ўз фикрини маъқуллаш, муаммони ечиш ва мавзуга умумий тушунча беришда ўрганилган барча мавзулар бўйича эгалланган билимларни амалда қўллашга ёрдам беради. Технология ёрдамида ўқувчи (талаба)лар топшириқларни дастлаб индивидуал, сўнгра кичик гуруҳлар тартибида ёзма шаклда бажаради.

Изоҳ: 1. Гуруҳлар сонининг тўртта бўлиши технология самарадорлиги таъминлайди. Бунда машғулот зерикарли бўлмайди. Агар гуруҳлар сони 4 тадан ортиқ бўлса, гуруҳларни иккита катта гуруҳларга ажратиш мумкин.

2. Тарқатмали материалда кўрсатилган мавзу бўйича 3 та таянч тушунча (сўз, сўз бирикмаси ёки 3 та гап) ёзиш талаб этилади.

3. Дастлабки топшириқ бажарилгач, гуруҳлар соат мили йўналиши бўйича ўз жойларини ўзгартиради (1-гуруҳ 2-гуруҳнинг, 2-гуруҳ 3-


гуруҳнинг, 3-гуруҳ 4-гуруҳнинг, 4-гуруҳ 1-гуруҳнинг ўрнини эгаллайди).
Бу ҳолат ҳар бир гуруҳ

ўзининг дастлабки ўрнига етиб келгунга қадар давом этади.

4. Гуруҳларнинг тақдмотидан сўнг ҳар бир ўқувчи (талаба) ҳам индивидуал равишда ўзининг муаллифлик ишини намойиш қилиши мумкин.


“Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия ўқувчи (талаба)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.



Стратегия ўқувчи (талаба)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:



Стратегияни қўллаш жараёнида ҳар бир гуруҳ муайян мавзуга оид топшириқларни бажаради. Ўқувчи (талаба)ларнинг эътиборларига қуйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:


Гуруҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

“Видеотопишмоқ” методи (видео кейс)

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишда турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:



Видеолавҳалар намойиш қилинган, ўқувчи (талаба)лардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқелик акс этганлиги, қайси бадий асар қаҳрамони ёки тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видеотопишмоқнинг жавобини топиш орқали ўқувчи (талаба)лар ўрганиладиган янги мавзу ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Хулоса қилинадиган бўлса, интерфаол усуллар - тарих таълими ва тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи (педагог) ва таълим олувчи (ўқувчи, талаба)лар, ўқувчи (талаба) ва ўқувчи (талаба)лар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Интерфаол усуллар моҳиятига кўра таълимий ёки тарбиявий мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласа-да, бироқ, уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш бўйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчи (педагог)лар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги янада ошади, қачонки, уларни қўллашда таълим олувчи (ўқувчи,

талаба)ларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса. Бу ўқитувчи (педагог)лардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

5. Мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва турлари

Мустақил таълим - белгиланган ўқув топшириқларини талабалар томонидан мустақил ва ижодий (ёки профессор-ўқитувчининг кўрсатмасига мувофиқ) бажариш мақсадига йўналтирилган ўқув фаолияти бўлиб, унинг негизини таълим олувчининг мустақил ишлари ташкил этади. Мустақил ишлар ўқув – билув фаолиятининг бир тури, ўқув фаолиятининг ташкилий шакл – усули, билим ўзлаштириш йўли, воситаси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари дидактик мақсади, мустақил ўқув фаолиятининг даражаси, яқка кишига ёки гуруҳга мўлжалланганлиги, ахборот манбаи, билим олиш методлари, шакл ва бажариш ўрнига кўра ҳам таснифланади, фарқланади.

Мустақил иш – муайян мавзуни ва фанни бутунлай ўрганиш жараёни вақтида амалга оширилади, талабалар муаммоли саволларни ҳал этишлари, маъруза ва семинар машғулотида олинган билимларини мустаҳкамлашлари талаб қилинади. Мустақил иш давомида методик материалларда белгиланган муаммоли саволларни курсантлар мустақил равишда ҳал этадилар. Мавзу бўйича тавсия этилган адабиётларни ўрганиб чиқиш орқали ишни маъруза машғулотида тайёргарлик кўриш билан бошлаш зарур, чунки мавзунинг мазмунини ташкил этувчи саволлар тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўладилар, сўнг эса мустақил иш пайтида мазкур методик материалларда кўрсатилган маъруза саволларини ўрганиб, уларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб оладилар.

Мустақил иш барча ўқув ишларининг яқунловчи шаклидир. Мустақил таълим жараёнида у ёки бу фан соҳасига доир ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, уларни мустаҳкам билимга, барқарор малака ва кўникмаларга айлантириш каби вазифалар амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш малакалари зарурлиги:

1. Ўзбекистон Республикасининг олий таълимга доир меъёрий ҳужжатларида мустақил таълим, талабаларнинг мустақил ишлари ўқув машғулотларининг турларидан бири, таълими олишнинг муҳим шакли, усули сифатида кўрсатилган.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августда тасдиқланган дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар бакалаврият таълим

дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган.

Магистратура таълим дастури мазмунига қўйиладиган умумий талаблар каторида: “магистратура мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларга эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак... Мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш” зарурлиги таъкидланган, Олий таъли муассасасини битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган давлат стандарти умумий малака талабларидан бири “янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши ҳисобланади.”

3. Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ бакалаврият сва магистратура таълими ўқув режаларида мустақил таълим, мустақил ишларга нисбатан кўпроқ вақт (соат) ажратилган.

4. Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, сиртқи, экстернат ва масофавий таълим шаклларида ўзлаштиришни мумкинлиги назарда тутилган (Меъёрий ҳужжатлар, 1-қисм, Тошкент, 1988. 88-бет). Шунингдек, олий таълим ҳақидаги низомда: “Талабалар билим эгаллаши, белгиланган муддатларда ўқув режалари ва таълим стандартларида кўрсатилган топшириқларнинг ҳамма турларини бажариши шарт” (Меъёрий ҳужжатлар, 1-қисм, Тошкент, 1988. 90-бет) дейилган.

5. Ўзбекистон Республикаси олий таълимни ислоҳ қилишга доир меъёрий давлат ҳужжатларидан келтирилган ушбу талаблар, фикрлар олий ўқув юртида мустақил таълим олишга катта эътибор бериш, талабаларни мустақил ишлаш методикаси билан қуроллантириш зарурлигидан далолат беради.

Мустақил таълимнинг турлари:

1. Маъруза мавзуси ва материали бўйича мустақил ишлар.
2. Амалий машғулотларга, семинар ва лаборатория ишларига тайёргарлик соҳасида мустақил ишлар.
3. Рефератлар, курс ишларини ёзиш бўйича ўқув топшириқларни бажариш.
4. Назорат ишлари (жорий, оралик, якуний назорат ишлар) соҳасида ўқув топшириқларни бажариш.
5. Малакавий амалиётлар билан боғлиқ ўқув топшириқларини бажариш.

6. Махсус курсни ўрганиш билан боғлиқ мустақил ишлар: маъруза мавзусига доир адабиётларни ўқиб, ўрганиб, бирор масала бўйича матн тайёрлаш, маъруза ўқишга ҳозирланиш кабилар.

7. Малакавий ишлари, магистрлик диссертациясини тайёрлаш соҳасида мустақил ишлар.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи тури – бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи тури. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.

Мустақил ишларнинг иккинчи типи барча турларининг умумий тавсифномаси шундаки, бундай ишларда вазифаларнинг ҳал қилиниш ғояси (тамойили) эълон қилинади, талабалардан ушбу ғояни (тамойилни) ривожлантириб, конкрет шароитга татбиқ этиш усул ва усуллари талаб қилинади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг учинчи тури талабаларда учинчи босқич – типик бўлмаган вазифаларни бажариш чоғида шаклланадиган билимлардан иборатдир. Бу мақсадга талабалардан ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар сабабларининг алгоритм асосларини тузишни талаб қиладиган билиш (идрок қилиш) масалаларини ечиш жараёнида эришиш мумкин.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг тўртинчи типи ижодий фаолиятга омиллар яратишдир.

Бундай ишларни бажаришдаги талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар муҳокама қилинаётган объект моҳиятига тобора чуқур кириб боради, зарур бўлган янги, олдиндан номаълум бўлган ғояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар муносабатларни ўрнатади. Бунда талаба вазифаларни бажаришнинг ҳар бир босқичида ўзи яратиши лозим бўлган, унинг учун янги бўлган ҳаракатлар моҳияти, у ёки бу ахборот характери устида бош қотиришга мажбур бўлади.

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- *намуналар бўйича мустақил ишлар;*
- *реконструктив-вариатив;*
- *эвристик (қисман, ижодий);*
- *ижодий тадқиқот.*

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутди.

Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

6. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типиди амалга ошади.

Олий мактаб талабасида мустақил мустақил таълим олиш малака кўникмаларини шакллантириш ишларини режали ва аста-секин мураккаблаштириш, юқорилаб борадиган босқичлар (даражалар) шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараён кўп қаватли бинонинг юқори қаватларига зинапоялар орқали кетма-кет, изчил чиқиб борилгани сингари содир бўлади. Талабанинг мустақил таълим олиши босқичли (даражали)

ташқил этилганда, масалан, қуйи курсларда – *биринчи босқичида* мустақил ишлар репродуктив даражада, яъни профессор-ўқитувчининг топшириғи ва кўрсатмасига биноан бажарилади; *иккинчи босқичида* - юқорироқ - маҳсулдор даражада масалан, танланган мавзу бўйича дарс ишланмаси лойиҳасини тайёрлаш каби мустақил ишлар шаклида; *учинчи босқичида* – яна юқорироқ – маҳсулдор, эвристик даражада, қисман ижодий изланишни талаб этадиган мустақил ишлар доирасида; ва ниҳоят *тўртинчи* – энг юқори ижодий характердаги мустақил ишлар даражасида ташқил этилиши мумкин.

Олий мактабда талабаларнинг мустақил таълимни режали ва босқичли ташқил этилиши ундан кўзда тутилган таълим мақсадларини рўёбга чиқаришга, бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-гуманитар ва касбий тайёргарлиги даражасини юқори кўтаришга, таълим-тарбиянинг саммарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маъруза тингланиши вақтида ундаги айрим назарий масалаларни тушуниб олиш қийин бўлиши мумкин. Маъруза жараёнида тушуниш қийин бўлган, ноаниқ жойларни белгилаб қўйиш, маърузадан кейин мустақил ишлаш, китоб ўқиш, алоҳида суҳбатлар, маслаҳат (консультация)лар ёрдамида ўзлаштиришнинг юқорироқ доирасида эгаллаш лозим.

Мустақил ишларни самарали ташқил этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- *мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;*
- *мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;*
- *мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;*
- *мустақил ишларни ташқил этишга методик раҳбарлик қилиш.*

Олий мактабдаги ўқув жараёни **мустақил таҳсил**ни ташқил этилишини ҳам кўзда тутди. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир. Мустақил таҳсилнинг вазифалари: *шахснинг интеллектуал имкониятларини янгиллаш, уларнинг зоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.*

Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- *режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма-кетинлиги;*
- *уларнинг бажарилиши муддатлари;*

- *мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериш.*

Мустақил таҳсил жараёни унинг аниқ шакли, методлари ва усулларини қамраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи **адабиётлар устида индивидуал ишлаш**дир. Бу метод ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради. Қўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил машқ қилиш методларидан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятида зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди. Шунингдек, мустақил таҳсилга амалий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни бажариш ва аудиовизуал ускуналар билан ишлаш ҳам киради.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг **мулоқотидир**. Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўзи устида ишлаш, ҳар томонлама тадқиқот юритишнинг моҳиятини англашга тортишдир.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик технология ва унинг илмий аспектларини айтинг.
2. Педагогик технологиянинг тарихий босқич ва улардаги мазмунини изоҳланг.
3. Методика ва педагогик технологиянинг фарқини мисоллар билан тушунтиринг.
4. Кейс-стади (Case – stadi), ҳамкорликда ўқитиш технологияларига тарихдан мисоллар ишлаб чиқинг.
5. Лойиҳавий таълимдан фойдаланишнинг ижтимоий-педагогик шартлари.
6. Интерфаол усулларнинг мазмун ва моҳиятини айтинг.
7. Мустақил таълим, унинг турларини айтинг.
8. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартибини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Joyce Appleby, Lynn Hunt, Margaret Jacob. TELLING THE TRUTH ABOUT HISTORY. W.W. Norton & Company. New York - London. 1994.

2. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
3. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA. 2008.
4. Daniel J. Tew. Pedagogy of Teaching History: Comparing the Chronologic and Thematic Approaches. USA. Western Oregon University, 2014.
5. Азизходжаева Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Тошкент, 2006.
6. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2006.
7. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.
8. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – 44 б.
9. Ганиева М., Файзуллаев Д. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.
10. Ганиева М., Файзуллаев Д., Неъматов И. Мақсадни белгилаш ва уч даражали тестларни ишлаб чиқишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – 95 б.
11. Ганиева М., Файзуллаев Д., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.
12. Ганиева М., Файзуллаев Д. Замонавий ўқитиш воситаларининг педагогик технологиялари тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – 95 б.
13. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Тошкент: ТАСИС, 2001. - 38 б.
14. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингнинг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
15. Зиёмухаммедов Б. Янги педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Чиноз, 2002.
16. Йўлдошев Ж., Усмонова С.А. Педагогик технологиялар асослари. - Тошкент, 2004.
17. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Тошкент: РБИММ, 2008. – 68 б.
18. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда педагогик технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008. - 180 б.
19. Кларин М.В. Интерактивное обучения-инструмент освоение нового опыта // Педагогика. 2000. № 7 - С. 12-18.

20. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши, Насаф, 2000.
21. Рўзиева Д. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. – Тошкент, 2014.
22. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003.
23. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. - Тошкент, 2003. - 66 б.
24. Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқишнинг интерфаол усуллари. Ўқув қўлланма. 1-модуль. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. - Тошкент, 2007.
25. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
26. Толипов Ж., Усманбаева М. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Тошкент, 2006.
27. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти // Методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ Ризографи, 2014. 6,5 б.т.
28. Фарберман Б.Л. Янги педагогик технологиялар. - Тошкент: Фан, 2001.
29. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси: Илмий-услубий қўлланма /“Замонавий таълим технологиялари” туркуми. - Тошкент: ТДИУ, 2009. – 150 б.
30. Очилов М., Очилова Н. Олий мактаб педагогикаси / Дарслик. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – 262 б.
31. Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика / Дарслик. – Тошкент: Талқин, 2008. – 288 б.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича умумий йўриқнома

Амалий машғулотларда тингловчилар тарих таълимининг турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, тарих ўқитувчисининг фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилотчилик*) ва тарих таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий ва хорижий адабиётлардан, электрон ресурслардан, интернет материалларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

1-амалий машғулот: Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш

Ишнинг мақсади: тингловчиларга тарих таълимида тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, мустақил ижод асосида дарсларга замонавий таълим воситаларини жорий этишга, замонавий таълим воситалари (техник воситалар, ўқув-услубий воситалар, ёрдамчи воситалар) ёрдамида ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Тарих таълими воситалари классификацияси
2. Чизмали органайзерлар
3. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари – замонавий таълим воситаси сифатида.

Кичик гуруҳларда ишлаш методига кўра, гуруҳларга ўқув топшириқлар берилади.

1 - топшириқ. Қандай усуллар ва уларнинг қайси шаклда, қандай таълим воситаларидан фойдаланилса оптимал натижага олиб келади? Жадвални тўлдиринг. Рўйхатни муҳокама қилинг ва нотўғри деб топилганларни рўйхатдан ўчиринг.

Метод	Усуллар	Воситалар

1 - топшириқ. Таълим методлари ва усуллари



Сагдиев А., Фузайлова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 52.



Назорат саволлар:

1. Таълим воситаларини мисоллар билан изоҳланг. Таълим воситаларининг тарих таълимидаги ўрнини тушунтиринг.
2. Таълим воситаларининг таснифини келтиринг.
3. Таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш нималарга боғлиқ
4. Таълим беришнинг техник воситалари, ёрдамчи таълим воситалар, ўқув-услубий материалларнинг дидактик вазифасини айтинг.
5. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омилларни айтинг.
6. Графикли органайзер (ташқиллаштирувчи)ларга: инсерт жадвали, кластер, тоифалаш жадвали, Б/Б/Б жадвали, SWOT - таҳлил жадвали ва бошқаларининг хусусиятларини аниқ мисолларда тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Joyce Appleby, Lynn Hunt, Margaret Jacob. TELLING THE TRUTH ABOUT HISTORY. W.W. Norton & Company. New York - London. 1994.
2. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
3. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA. 2008.

4. Daniel J. Tew. Pedagogy of Teaching History: Comparing the Chronologic and Thematic Approaches. USA. Western Oregon University, 2014.

5. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингнинг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.

2-амалий машғулот: ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарсларига қўйилadиган талаблар

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари

2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари

3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари

4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт

Ишнинг мақсади: ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари, маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория, малакавий амалиёт дарсларига қўйилadиган талабларни билиш ва такомиллаштириш

Амалий машғулот топшириқлари

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари

2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари.

3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт.

Ўқув машғулотларида талабалар ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари учун замин яратилади.

■ **Билим** – атроф муҳит қонуниятлари, қонунлари, ҳодисалари, далиллари шунингдек, фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ҳамда хотирада мустаҳкамланиши

■ **Кўникма** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб, муваффақиятли бажариш қобилияти

■ **Малака** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда автоматик равишда бажариш қобилияти

Олий мактабдаги ўқув машғулотларининг шаклларига маъруза, семинар, амалий, лаборатория иши, маслаҳат, ўқув педагогик амалиёти, мустақил иш, назорат иши курс иши, битирув малакавий ишни тайёрлаш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш киради.

Маъруза – олий ўқув юрти таълим тарбия жараёнида кенг қўлланиб келаётган шакллардан биридир. Маърузаларда қатнашиш мажбурий ҳисобланиб, унда талаба касбий тайёргарлик учун зарур бўлган билимларни эгаллайди. Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуқтаи назар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади, умумлаштирилади.

Маъруза – ўқув машғулотларининг муҳим турлари сифатида фаннинг методологиясини очиб беради, шунингдек, ўрганилаётган фан бўйича илмий билимлар беради, дунёқарашни шакллантиради, ўрганилаётган мавзунинг энг муҳим масалаларини кенг таҳлил қилади, курсантларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, материални мустақил ўрганишнинг асосий йўналишлари ва методикасини кўрсатиб беради. Шу билан бирга, маъруза машғулотларида кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур фан бўйича мавзулар режасида назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш бўлиб, бунда ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- *йўналтириши* - талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

- *ахборот бериши* - ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар, ҳулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади.

- *методологик* - маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади. Қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

- *тарбияловчи* - маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

- ривожлантирувчилик - билим олиш қизиқишларини, яъни мантикий фикрлаш ва исботлаш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Маъруза жараёнида профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади, маъруза мазмунида ҳали дарсликка кирмаган янги фикр ва ғоялар, янги нуқтаи назарлар баён қилинади. Маърузу талабага билимлар оламига кириш йўлларини кўрсатади. Маърузачи ўқув дастурининг бутун мазмунини эмас, балки муҳим, мураккаб жойларини аниқлаб, уни очиб беради, фандаги фаразларни келтириб, мустақил фикр юритишга ундайди, муаммолар қўйиб, уни ҳал қилиш йўлларини кўрсатади.

Айниқса, қуйи курс талабалари учун маърузалар муҳим роль ўйнайди, чунки маъруза талабани фан оламига олиб кириш билан бирга билимларни мустақил эгаллашнинг манбалари, йўллари, воситаларини кўрсатади. Профессор-ўқитувчи маърузада қарама-қарши фикрлар, нуқтаи назарларни айтади, талаба манбалар устида мустақил ишлаш, танқидий фикрлаш йўли билан илмий хулосага келади.

Олий мактабда маъруза ўқиш, одатда юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар (фан номзодлари, докторлар, доцентлар, профессорлар)га топширилади. Маърузада ҳозирги замон фани - мамлакатимиз ва чет эл олимларининг эришган муваффақиятлари ҳақида илмий ахборотлар берилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузада ҳал қилинадиган **асосий вазифалар** қуйидагилардан иборат:

- *илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;*
- *талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;*

ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.

Амалий машғулотлар - олий мактабда маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқурроқ ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларининг сифатини аниқлаш ва тўлдириш, мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотлар одатда, кичик гуруҳларда олиб борилади. Бу машғулотларда талабалар билимини чуқурлаштиришга қаратилган мустақил ишлаш малакасини эгаллашга; тарихий манба, хрестоматия ва тадқиқотлар билан ишлаш, фактлар, илмий ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, умумлаштиришга ўргатади.

Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишидир. Улар

вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

Лаборатория ишлари – олий мактабда эгалланадиган ижтимоий-гуманитар, касбий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга хизмат қилади. Ўрганилган назарий билимни амалда. Тажрибада синаб кўриш кўриш йўли билан уни мустаҳкамлайди, касбни эгаллашга йўл очади. Лаборатория ишлари тадқиқот характери (тавсифи)га эга бўлиб, кузатиш, тажрибада синаб кўриш йўли билан масала (муаммо)га доир фактлар тўплаш, уларни умумлаштириб, назарий хулосалар чиқаришга ўргатади.

Назорат саволлари:

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шаклларини айтинг.
2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари нималарга боғлиқ бўлади?
3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиётга кўйиладиган талабларни айтинг.
5. Тарих фанининг таълим-тарбия вазифаларини аниқлаш омиллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Новые педагогические и информационные технологии в средней школе / Под ред. Е.С. Полат. - М., 1999. - 224 с.
2. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. – 336с.
3. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Таълимда ахборот технологиялари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.
4. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон ўқув услубий мажмуалар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.
5. Ҳамдамов Р., Бегимқулов У. Электрон университет: электрон вазирилик, масофавий таълим технологиялари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010.

3-амалий машғулот: Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни лойиҳалаштириш. Мустақил таълимни ташкил этиш

Ишнинг мақсади: Тингловчиларга тарих таълимида тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, мустақил ижод асосида педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ёрдамида ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш. Тингловчиларга тарих таълимида тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолияти асосида мустақил таълимни ташкил этиш, уни ташкил этиш шакллантириш ва ривожлантириш.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Педагогик технология ва унинг илмий аспекти
2. Кейс-стади (Case – stadi), ҳамкорликда ўқиш, лойиҳа технологиялари.
3. Интерфаол усуллар ҳақида тушунча
4. Тарих таълимига интерфаол усулларни жорий этиш
5. Мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва турлари
6. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

“Интерфаол” тушунчаси ҳақидаги маълумотлар ақлий ҳужум ёрдамида таҳлил этилади.

1-топшириқ. Кичик гуруҳларда ишлаш методига кўра, гуруҳларга ўқув топшириқлар берилади. Қуйида педагогик технологиялар ёрдамида ўқув материаллари тайёрланади. Тингловчилар 4 та гуруҳга бўлинганлиги сабабли гуруҳларга қуйидаги мавзуда йўриқнома матни берилади:

1-гуруҳга: “кейс-стади” технологияси бўйича танланган мавзунинг ишланмасини тайёрланг;

2-гуруҳга: “лойиҳа” технологияси бўйича танланган мавзунинг ишланмасини тайёрланг;

3-гуруҳга: “ҳамкорликда ўқиш” технологияси бўйича танланган мавзунинг ишланмасини тайёрланг;

4-гуруҳга: “SVOT” технологияси бўйича танланган мавзунинг ишланмасини тайёрланг.

Жадвални тўлдириш: Рўйхатни муҳокама қилиш ва нотўғриларни рўйхатдан ўчириш.

Интерфаол усуллар	Шакллар	Воситалар

2-топшириқ. Қандай интерфаол таълим бериш усуллари биласиз?

7-та кичик гуруҳга бўлининг. Ҳар бир гуруҳ битта интерфаол таълим усули бўйича мутахассис сифатида чиқади. Ўзбекистон тарихи ва Жаҳон тарихи ўқув машғулоти мавзулари мисолида лойиҳалар намуналарини ишлаб чиқиш.

- 1-гуруҳ – тоифали жадвал
- 2-гуруҳ – пинборд
- 3-гуруҳ – жуфтликда ўйла, ишла, фикр алмашинг
- 4-гуруҳ – Муаммоли вазифалар ва вазиятлар усули
- 5-гуруҳ - концептуал жадвал
- 6-гуруҳ – мунозара
- 7-гуруҳ - Т-жадвали

Гуруҳларда ишлашни бошлашдан олдин диққат билан гуруҳ топширигини ўқиб чиқинг, уни бажариш бўйича мажбуриятларни тақсимланг.

Гуруҳларда ишлаш ва тақдимот қилиш регламенти:

1. Гуруҳларда топшириқни бажариш – 20 дақиқа

2. Ҳар бир гуруҳ фаолияти натижасини тақдимоти – 10 дақиқа

Хурматли тренинг иштирокчилари. Ушбу белгиланган регламентдан четга чиқмасликларингизни сўраймиз.

3-топшириқ. Ўзбекистон тарихи ва Жаҳон тарихи ўқув машғулоти мавзулари мисолида лойиҳалар намуналарини тўлдириш ва янгиликларини ишлаб чиқиш.

“Пинборд” техникаси бўйича топшириқ Маданият тушунчасига мисоллар келтиринг

моддий маданият	маънавий маданият

Т-жадвали ёрдамида мустақил фаолиятни ташкил этиш

Буюк географик кашфиётлар	
+ (ҳа, ижобий)	- (йўқ, салбий)
хулоса	

Араблар томонидан Мовароуннахрнинг босиб олиниши оқибатлари

сиёсий жиҳатдан		иқтисодий жиҳатдан		маданий – маърифий жиҳатдан	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса					

Резюме технологияси ёрдамида таҳлил қилинг ва қисқа хулосаларни умумлаштиринг.

Хонлиқлар даврида Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти

ижтимоий-сиёсий соҳа		иқтисодий соҳа		маданий соҳа	
ютуғи	камчилиги	ютуғи	камчилиги	ютуғи	камчилиги
Хулоса					

Топшириқ. Мустақил таълимнинг турлари бўйича мавзуларни тайёрлаш:

- Маъруза мавзуси ва материали бўйича мустақил ишлар.
- Амалий машғулотларга, семинар ва лаборатория ишларига тайёргарлик соҳасида мустақил ишлар.
- Рефератлар, курс ишларини ёзиш бўйича ўқув топшириқларни бажариш.
- Назорат ишлари (жорий, оралик, якуний назорат ишлар) соҳасида ўқув топшириқларни бажариш.
- Малакавий амалиётлар билан боғлиқ ўқув топшириқларини бажариш.
- Махсус курсни ўрганиш билан боғлиқ мустақил ишлар: маъруза мавзусига доир адабиётларни ўқиб, ўрганиб, бирор масала бўйича матн тайёрлаш, маъруза ўқишга ҳозирланиш кабилар.
- Малакавий ишлари, магистрлик диссертациясини тайёрлаш соҳасида мустақил ишлар.

Назорат саволлари:

1. Интерфаол усулларда дарс ўқишнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлилини келтиринг.
2. Интерфаол усулларнинг турларига мисоллар келтиринг.
3. ДТСда талабаларнинг мустақил таълим олишларига доир талабларни айтинг.
4. Мустақил таълим тушунчасини изоҳланг.
5. Мустақил таълим, унинг дидактик мақсадини изоҳланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bhuvan Garg. Teaching of history (Тарихни ўқитиш). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.
2. Pathak R.P. Methodology of Educational Research. Atlantic. USA. 2008.
3. Daniel J. Tew. Pedagogy of Teaching History: Comparing the Chronologic and Thematic Approaches. USA. Western Oregon University, 2014.
4. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Тошкент: ТАСИС, 2001. - 38 б.
5. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингининг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
6. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Тошкент: РБИММ, 2008. – 68 б.
7. Кларин М.В. Интерактивное обучения-инструмент освоение нового опыта // Педагогика. 2000. № 7 - С. 12-18.
8. Рўзиева Д. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. – Тошкент, 2014.
9. Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқишнинг интерфаол усуллари. Ўқув қўлланма. 1-модуль. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. - Тошкент, 2007.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

ТЕХНОЛГИЯНИНГ БОСҚИЧЛАРИ



1-Кейс. Тарих ўқитишнинг методлари ва классификацияси Тарих ўқитишнинг методлари ва уларнинг классификацияси

Мавзу бўйича ўқув топшириқлар:

I-гуруҳ

Савол: Оғзаки баён методи мазмунини айтинг

- 1) Оғзаки баён методи ва унинг усулларини ёритиб беринг;
- 2) Оғзаки баён методи воситаларини кўрсатиб беринг.

II-гуруҳ

Савол: Кўрсатмали метод мазмунини айтинг

- 1) Кўрсатмали метод ва унинг усулларини ёритиб беринг;
- 2) Кўрсатмали метод воситаларини кўрсатиб беринг.

III-гуруҳ

Савол: Амалий метод мазмунини айтинг

- 1) Амалий метод ва унинг усулларини ёритиб беринг;
- 2) Амалий метод воситаларини кўрсатиб беринг.



Юқоридаги схемадаги ҳар бир методга танланган мавзу бўйича мисол келтиринг.

2-Кейс. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш

Ўзбекистон ва Жаҳон тарихи бўйича семинар дарслари учун график органайзерлардан фойдаланилган ҳолда ўқув топшириғини ишлаб чиқинг.

1-гуруҳ - тоифали жадвал, концептуал жадвал учун ўқув топшириғини ишлаб чиқиш

2-гуруҳ – инсерт, блиц-ўйинли технологиялар учун жадвалли ўқув топшириғини тайёрлаш

3-гуруҳ – Т-схема, Резюме технологияси бўйича ўқув топшириғини тайёрлаш

3-Кейс. ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарсларига қўйиладиган талаблар масалаларига топшириқлар

1-топшириқ

1. Кичик гуруҳлар қуйидаги жадвалдаги тарих дарсларини турига қараб, дарсда фойдаланиладиган метод, усул ва воситаларни аниқланг.

Метод	Усуллар	Воситалар

1-гуруҳ Маъруза дарслари

- 2-гурӯҳ Семинар машғулоти
- 3-гурӯҳ Амалӣ машғулоти
- 4-гурӯҳ Лаборатория машғулоти

2-топширик

2. Дарсни ташкил этувчи босқичларини ва уларга ажратилган вақт тақсимотини кўрсатинг.

Дарсни ташкил этувчи унсурлар

✓ Ташкилий қисм, такрорлаш –	Давомат, талабалар диққатини дарсга қаратиш, ўтилган материал бўйича индивидуал ва фронтал сўров
✓ Янги мавзун тушунтириш –	Янги материални тушунтириш ва ўзлаштиришга қаратилган методик амаллар
✓ Мавзун мустаҳкамлаш-	Янги материални мустаҳкамлашга қаратилган методик амаллар
✓ Хулоса. Талабалар билимини баҳолаш -	Хулосалаш ва талабалар билимини назорат қилиш

Дарсни ташкил этувчи унсурларнинг вақт тақсимотини кўрсатадилар. Масалан:

- Ташкилий қисм ва такрорлаш – **10%**
- Янги мавзун тушунтириш – **50%**
- Мавзун мустаҳкамлаш – **30%**
- Хулоса.Талабалар билимини баҳолаш – **10%**



VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
инновация	<p>янгилашни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик, ихтиро). Илмий техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалари ва доираларда қўлланишини асос эътибори.</p>	<p>Innovation is the creation of better or more effective products, processes, services, technologies, or ideas that are accepted by markets, governments, and society. Innovation differs from invention in that innovation refers to the use of a new idea or method, whereas invention refers more directly to the creation of the idea or method itself.</p>
технология	<p>юнонча сўз – «техно» - санъат ва «логос» - ўрганиш. Материаллар ёки ярим фабрикатларни олиш, ишлов бериши ва қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фандир. Муайян ишлаб чиқариш соҳасидаги усуллар ва жараёнлар мажмуаси. Информатикада турли туман ахборот технологиялари ишлатилади, биринчи навбатда, компьютер технологиялари</p>	<p>Is the making, usage and knowledge of tools, techniques, crafts, systems or methods of organization in order to solve a problem or serve some purpose. The word technology comes from greek τεχνολογία (technología); from τέχνη (téchnē), meaning "art, skill, craft", and -λογία (-logía), meaning "study of-"</p>
метод	<p>юнонча сўздан олинган бўлиб, “metodos” - бирор нарсага йўл маъносини англатади. Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб</p>	<p>a method is associated with. Methods define the behavior to be exhibited by instances of the associated class at program</p>

	<p>борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат.</p>	<p>runtime. Methods have the special property that at runtime, they have access to data stored in an instance of the class they are associated with and are thereby able to control the state of the instance. The association between class and method is called binding. A method associated with a class is said to be bound to the class.</p>
<p>ахборот технологиялари</p>	<p>ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш, ўзгартириш, қайта ишлаш усул ва воситалари йиғиндисидан иборат</p>	<p>Practical part of scientific area of computer science representing set of means, ways, methods of the automated text, processing, storage, transfer, use, production of the information for reception certain (determined), obviously expected, results.</p>
<p>ҳамкорликда ўқитиш</p>	<p>Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш шасосидаги гуруҳий ўқитиш шакли</p>	<p>Information sharing, personal and professional experiences among the students in the process of group face-to-face classes</p>
<p>Дарс ишланмаси Lesson planning</p>	<p>Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат</p>	<p>An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence</p>
<p>Драматик ўйинлар Dramatic games</p>	<p>Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар</p>	<p>Games intended for solving psychological and social issues</p>
<p>Инновацио</p>	<p>Талабада янги ғоя, меъёр,</p>	<p>Education that allows to</p>

<p>н таълим</p> <p>Innovative education</p>	<p>қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим</p>	<p>develop skills and qualities f a student</p>
<p>Интерфаол таълим</p> <p>Interactive aducation</p>	<p>Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим</p>	<p>The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde</p>
<p>“Кейс-стади” технологияси</p> <p>и “Case study” technology</p>	<p>Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология</p>	<p>A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems</p>
<p>Муаммоли вазият</p> <p>Dilemma</p>	<p>Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади</p>	<p>It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment</p>
<p>Муаммоли маъруза</p> <p>A problem lecture</p>	<p>Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза</p>	<p>A lecture aimed at increasing students’ study activity in solving an issue or dilemma</p>
<p>Муаммоли таълим</p>	<p>талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга</p>	<p>The technologies that develop students’ competence and skills</p>

<p>технологиялари</p> <p>Problem education technologies</p>	<p>ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари</p>	<p>in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions</p>
<p>Мустақил таълим</p> <p>Independent learning</p>	<p>ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим</p>	<p>education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs</p>
<p>Таълим жараёнини лойиҳалаштириш</p> <p>Projecting the educational process</p>	<p>Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти</p>	<p>A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment</p>
<p>Таълим тизимини модернизациялаш</p> <p>Modernization of educational</p>	<p>Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини</p>	<p>Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and</p>

system	барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	country's skilled personal needs
Технологик харита Technological map	Таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Ўқув топшириқлари Study assignments	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject

VII. FOYDALANIШ TAVСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

I. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., 2018.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон [Қарори-www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги №283-сонли қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” тартиби.

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 102б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

II. Махсус адабиётлар

Bhuvan Garg. Teaching of history (Tarixni o‘qitish). India. New Delhi. Rajat publications, 2007.

1. Joyce Appleby, Lynn Hunt, Margaret Jacob. TELLING THE TRUTH ABOUT HISTORY. W.W. Norton & Company. New York - London. 1994.

2. Ганиева М., Файзуллаев Д. Замонавий ўқитиш воситаларининг педагогик технологиялари тўплами. - Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 95 б.
3. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.
4. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013. – 44 б.
5. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. Методик қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2013. – 83 б.
6. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. - Тошкент: ТАСИС, 2001. - 38 б.
7. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма // Инновацион таълим технология серияси. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2011. - 206 б.
8. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингининг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.
9. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Тошкент: Ниҳол, 2013. – 279 б.
10. Короткова М. В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях. Практическое пособие для учителей. – М., 1997.
11. Короткова М.В., Студеникин М.Т. Методика обучения истории. — М., 1993.
12. Мансуров Ў., Рахматуллаева О. Тарих ўқитиш методикаси (Тарих факультети бакалавриат талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2019. - 143 б.
13. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие. – М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002. - 336 с.
14. Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – 119 б.
15. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлар тарихини ўқитиш. - Тошкент, 1993. – 98 б.
16. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. (Бакалавриат йўналишидаги талабалар учун ўқув қўлланма). – Тошкент: ЎЗМУ - Университет, 2002. – 190 б.
17. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. - Тошкент, 2007.
18. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси: Илмий-услубий

қўлланма /“Замонавий таълим технологиялари” туркуми. - Тошкент: ТДИУ, 2009. – 150 б.

III. Қўшимча адабиётлар:

1. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти // Методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ Ризографи, 2014. 6,5 б.т.
2. Лебедев О.Е. Учимся вместе решать проблемы. Ч.1: Метод. Пос. для учителей. – СПб.: Изд. Образование – Культура, 2004. – 80 с.
3. Лийметс Х.Й. Групповая работа на уроке. — М., 1995.
4. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. – Тошкент: Фан, 2010. – 686 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
Ижтимоий ахборот таълим портали: www.Ziyonet.uz.
5. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
6. <http://www.istedod.uz> – “Истеъдод” жамғармаси сайти.
7. <http://www.e-tarix.uz> – Ватан тарих сайти
8. <http://www.arxiv.uz> – Ижтимоий фанлар сайти
9. [хттп://www.tarix.uz](http://www.tarix.uz) – Тарих фанига оид мақолалар, янгиликлар, китоблар, тарихий шахслар тўғрисида сайти
10. [хттп://www.sentralniyasiya.uz](http://www.sentralniyasiya.uz) – Марказий Осиё ва Ўзбекистон худудидаги халқлар тўғрисидаги сайт
11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
12. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
13. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
14. ЎзРес.ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
15. www.Ziyonet.Uz.